Библиотека УзССР М 4 - 89 7

ТАСВИРИЙ САНЪАТ ЭКОЛОГИЯ ҲАҚИДА

Ўзбекистон Республикаси Бадиий академияси "Тасвирий санъат экология ҳақида" катта кўргазмасини тайёрлашга киришди. Мамлакат мустақиллигининг 6 йиллигига бағишланган бу тадбир Орол денгизи ва унинг атрофида экологик бузилишнинг олдини олишга бағишланди. Беҳзод номидаги санъат билим юртида намойиш этиладиган кўргазмадан Рафаэл Матевосян, Жалубой Изинтоев, Михаил Антонов каби рассомларнинг Орол кишилари ва табиат кўринишини акс эттирувчи асарлари ўрин олади. Турли бўлимларда манзара, ҳайкалтарошлик, графика жанрлари бўйича юзлаб асарларга жой берилади.

Дилором БЕКМУРОДОВА.

ҚИШЛОҚДА ИНГЛИЗЧА ДАРС

Шоҳимардон қишлоғида инглиз тили ўқитиладиган ўқув оромгоҳи очилди. 12 кун мобайнида мамлакатимиз турли бурчакларидан келган ўқувчиларга АҚШ адабиёти, санъати, иқтисод ва экология ҳамда ҳуқуқ мавзуларида дарс берилади. Уларга инглиз тилида шеърлар ёдлатиб, иншолар ёздирилади. Ёшларга Америка — Ўзбекистон тинчлик корпусининг 32 нафар аъзоси сабоқ беришмоқда.

Алишер ИБОДИНОВ.

ЙИЛ ОЙИ КУН

31 ВОҚЕАЛАР, ХАБАРЛАР, ИШЛАР

ИПАК ЖИЛОЛИ РАҚСЛАР

Мукаррама Турғунбоева номидаги "Ўзбекрақс" бирлашмасининг санъаткорлари гуруҳи Самарқандда бўладиган "Шарқ тароналари" халқаро фестивалига ҳозирлик кўрмоқда. Бирлашма бош директори Юлдуз Исматова бундай деди: — 280 раққоса Регистонда дастлабки машқларни бошлади. Улар "Тановар", "Лазги", "Зарафшон" дасталари ва вилоятлардаги бўлимларнинг артистларидир. Ўзбек қизлари халқаро кўрикда М. Бафоевнинг "Буюк ипак йўли" асарини ижро этишади ва етти кун давомида оммавий саҳналарда рақс талқинини бажаришади.

Абдулла ПЎЛАТОВ.

УЧҚЎРҒОН ЧОЙИ

Наманган вилояти "Учқўрғонёғ" ҳиссадорлик жамиятидаги чой қадоқлаш цехи даромад бера бошлади. Хориждан келтирилган ускунамеханизмлар харжини қоплаш учун 8 ой кифоя қилди. Жамият раиси Аҳмаджон Умаровнинг таъкидлашича, дала чой, тоғ райҳони, ялпиз ва бошқа хушбўй гиёҳлардан тайёрланаётган чойлар асосан Тошкент ва Оролбўйи минтақасига жўнатилмоқда. Бежирим қадоқланган тетиклаштирувчи бундай чойга хоришликлар ҳам қизиқмоқдалар.

Маҳмуджон ПАРПИЕВ.

Ватанни севмак иймондандур!

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

Ўзбекистон Халқ демократик партияси газетаси

1997 йил 31 июль, пайшанба № 89 (22.173).

Газета 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛНОМАСИ

1993 йил 31 июль — ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов америкалик жамоат ва сиёсат арбоби, халқаро юристлар компанияси президенти Эндрю Янг раҳбарлигидаги АҚШ ишбилармонлари делегациясини қабул қилди.***

1994 йил 3 август — ***Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Тошкентдаги хоришлий ваколатхоналар ходимлари, Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари вакиллари ҳамда чет эллик журналистлар билан учрашди. Учрашув Ўзбекистонда ислоҳотлар жараёни, давлатимизнинг ички ва ташқи сиёсатига бағишланди.***

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИ



Суратларда: мажлис пайти.

А. Тўраев олган суратлар.

29 июль куни Президент Ислом Каримов раислигида республика Вазирлар Маҳкамасининг мажлиси бўлди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари, вазирликлари, қўмиталар, уюшмалар, концернлар, корпорациялар, идора ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этди. Мажлисда 1997 йилнинг биринчи ярмида Узбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ва иқтисодий ислоҳотларни бориши, Вазирлар Маҳкамасининг «Инсон манфаатларини таъминлаш борасида 1997 йилда амалга ошириладиган тадбирлар дастури тўғрисида»ги қарорининг бажарилиши муҳокама қилинди.

— Утган ярим йиллик иш фаолиятимиз якунларини таҳлил этар эканмиз, аввало уларни танқидий нуқтаи назардан баҳолашимиз, қандай камчиликларга йўл қўйдик, қандай вазифаларни бажара олмадик ва бу нуқсонларни бартараф этиш учун нималар қилишимиз лозимлиги хусусида фикрлашиб олмоғимиз керак, — деди Ислом Каримов. — Халқимиз Ватанимиз равнақи, юрт ободлиги йўлида фидокорона меҳнат қилмоқда. Янги иншоотлар қурилиб ишга туширилаётир. Айниқса, ғаллачиликда сезиларли ютуқларга эришилди. Халқимизга, бу ишларга бош-қош бўлаётганларга ташаккур айтмоқ лозим. Шу билан бирга, йўл қўйилган камчиликларда кимлар айбдор, уларни ҳам ном-баном айтиб, уларга замон билан ҳамқадам ишлай оласанми, зиммангдаги вазифаларни бажаришга имконинг етадими, дея савол беришимиз керак. Зеро, халқ хўжалигининг барча тармоқлари, республиканинг барча ҳудудларидаги ишларимиз аҳволини бир хилда ифодалаб бўлмади. Ютуқ бор жойда камчиликлар ҳам булади, албатта. Шунинг учун ютуқ ёки нуқсонлар ҳақида гапирганда одил бўлишимиз, аниқ далилларга таянишимиз лозим.

Мажлисда таъкидландики, ислоҳотлар бошлангандан буён илк бор ялпи ички маҳсулот ҳажми ўсиши аҳоли ўсиши суръатларидан юқори бўлди ва 103,9 фоизни ташкил этди. Саноат ишлаб чиқариши, қишлоқ хўжалиги, транспорт, қурилиш соҳаларида ҳам муайян ютуқларга эришилди. Чакана товар айланиши, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш ҳажмлари кўпайиши билан инфляция суръатлари ва нақд пул эмиссияси миқдорлари пасайишига эришилди. Инсон манфаатларини таъминлаш борасидаги дастур изчил амалга оширилмоқда. Айни чоғда дебиторлик ва кредиторлик қарзлари, айрим корхоналарда айланма маблағлар етишмаслиги, баъзи жойларда эмиссия миқдорининг юқорилиги ҳамон муаммолигича қолмоқда.

Узбекистон Бош вазирининг ўринбосари, макроиқтисодиёт ва статистика вазири Б. Ҳамидов, Марказий банк бошқаруви раиси Ф. Муллажонов, республика давлат акциядорлиқ уй-жой жамғарма банки бошқаруви раиси Т. Азимов, Олмалиқ кон-металлургия комбинати бош директори В. Сигедин, олий хўжалик суди раиси М. Абдусаломов, «Узқишлоқхўжаликмаш-холдинг» компанияси раиси Р. Матчонов, Касаба уюшмалари федерацияси кенгаши раиси Ҳ. Жамолов, «Пахтабанк» бошқаруви раиси Ж. Сайфуддинов муҳокама этилган масалалар юзасидан ахборот бердилар.

Мажлисда мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Мажлис қатнашчилари муҳокама этилган масалалар бўйича тегишли қарорлар қабул қилдилар.

Йиғилишда республика Олий Мажлиси раиси Э. Халилов, Бош вазир У. Султонов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари И. Журабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари қатнашди.

(ЎзА).

БУ ДУНЁНИНГ ИШЛАРИ

☑ ***«Интернет» ахборот агентлиги хабарига кўра кеча миллий гвардия — Чечнистон армияси ҳарбий хизматчилари билан шартномалар имзолаш бошланди. Собиқ дала қўмондонлари — Басаев, Гелаев, Радуев ва бошқа таниқли жангчилар аттестация комиссиясига аъзо бўлишган. Ҳозирча миллий гвардиянинг аскарлари сони эълон қилингани йўқ.***

* * *

☑ ***30 июль куни ГФР ташқи ишлар вазири Клаус Кинкелнинг Украинага расмий ишчи ташрифи якунланди.***

* * *

☑ ***Россия ташқи ишлар вазири Евгений Примаковнинг Таиландга расмий ташрифи бошланди.***

* * *

☑ ***Кеча Норвегиянинг Лиллехаммер шаҳрида жаҳон экологияси муаммолари бўйича шуғулланувчи олимларнинг 40-юбилей халқаро конференцияси очилди. Унда дунёдаги кўплаб мамлакатлардан 250 олим иштирок этмоқда.***

* * *

☑ ***Расмий ташриф билан АҚШга келган Озарбойжон Республикаси Президенти Ҳайдар Алиев Жорж-таун университетида маъруза қилди.***

* * *

☑ ***Жанубий-Шарқий Осиё давлатлари уюшмаси (АСЕАН) доирасидаги йиллик тадбирлар давом эттирилди. Ялпи мажлисда ушбу ҳудуддаги мамлакатлар ўзаро ҳамкорликни давом эттириб, иқтисодий жиҳатдан ўсиш суръатларини ошириб бормоқдалар, деб таъкидланди.***

* * *

☑ ***АҚШнинг Лос-Анжелес шаҳрида Москванинг 850 йиллигига бағишланган тараққиёт ва ҳамкорлик учун, деб номланган анжуман ўз ишини давом эттирди.***

АСОСИЙ МАҚСАД — ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШГА ЭРИШИШДИР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ МАЖЛИСИДА СЎЗЛАГАН НУТҚИ

Муҳтарам йиғилиш иштирокчилари!

Биз йил бошида ислоҳотларнинг умумий стратегиясини ҳисобга олган ҳолда, ўз олдимизга муайян вазифалар қўйган, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини демократик асосда янгилашнинг устувор йўналишларини белгилаб олган эдик. Бунда биз 1997 йилга Ўзбекистоннинг сиёсат, иқтисодиёт ва маънавият соҳаларидаги ислоҳотлар йўлида олға ташлаётган қадамининг муҳим босқичи деб қараган эдик.

Жамиятимизни тубдан қайта қуриш ва янгилашни амалга оширишда инсон омилига улкан аҳамият берилиб, **1997 йил — Инсон манфаатлари йили, деб эълон қилинди.**

Олдимизга қўйилган мақсадга эришиш, зарур ҳуқуқий ва моддий асосни барпо этиш учун тегишли чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Улар иккита дастурий ҳужжатда ўз аксини топган. Биринчи ҳужжат -- инсон манфаатларини амалга оширишни таъминлаш бўйича 1997 йилга мўлжалланган тадбирлар дастуридир. Иккинчиси эса, иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш дастуридан иборат.

Шунинг учун ҳам бугун янги вазифаларни белгилаб олиш ҳақида эмас, балки юқорида тилга олинган дастурларни бажариш ҳақида гап юритишимиз зарур. Олдимизда қандай объектив қийинчиликлар турибди? Дастурларда белгиланган тадбирларни сўзсиз бажариш учун нима қилинди ва қилиниши зарур? Бугунги вазиятдан келиб чиққан ҳолда уларга қандай тузатишлар киритиш лозим?

Йилнинг олти ойи натижаларига баҳо берар эканмиз, тўла асос билан қайд қилишимиз мумкинки, жорий йилда олдимизга қўйилган мақсад ва вазифалар асосан амалга оширилмоқда. Иқтисодиётимиз тузилмаси ва таркиби яхшиланмоқда. Унинг кўпгина соҳа ва йўналишлари жадал суръат билан ўсмоқда. Кўплаб шаҳар-қишлоқларимиз янгича гўзал қиёфага кирмоқда.

Энг муҳими, кишиларнинг тафаккури, уларнинг турмуш шароити ўзгариб бормоқда.

Азиз дўстлар!

Биринчи ярим йилликда қилинган ишларнинг асосий якунларига кенгроқ тўхталишга рухсат этгайсиз. Ҳаётимизнинг барча соҳаларини ислоҳ қилишда қандай муайян натижаларга эришдик? Ишларга якун ясар эканмиз, бу якундан қандай хулосалар чиқаришимиз лозим?

Биринчи ва энг муҳим якун: биз инсон манфаатларини амалга ошириш учун зарур шароит, имкон яратмасдан, бу манфаатларни фаол бунёдкор куч сифатида эътироф этмасдан туриб, янгиланиш ва тараққиёт йўлидан тўғри ва изчил ҳаракат қилолмаслигимизни яна бир бор англаб олдик.

Шунинг учун ҳам инсон манфаатларини таъминлаш бўйича кўзда тутилган чора-тадбирлар қай даражада тўла ва муваффақиятли бажарилаётгани алоҳида эътибор талаб қилади.

Шуни қайд этиш лозимки, бу борада анчагина ишлар қилинди.

Биринчидан. Шахснинг ижтимоий-иқтисодий манфаатларини таъминлаш, оилаларнинг, ҳар бир алоҳида кишининг турмуш шароити ва фаровонлигини яхшилашга қаратилган чора-тадбирлар амалга оширилди.

Ижтимоий соҳани ривожлантириш, аҳолини ижтимоий жиҳатдан муҳофаза этиш учун давлат бюджетидан 63,2 миллиард сўм ёки бюджетнинг умумий харажатларидан қарийб 45 фоизи сарфланди.

Шунинг ҳисобидан оналик ва болаликни муҳофаза қилиш бўйича тадбирларни амалга ошириш, давлат томонидан бериладиган ёрдамга муҳтож оилаларга эътиборни кучайтириш имкони яратилди. Кам таъминланган оилаларнинг ўзигагина 10,1 миллиард сўмдан ортиқ нафақа берилди.

Тошкентда ногиронлар соғлиғини қайта тикловчи республика маркази ташкил этилди. Нуқусда ҳам худди шундай марказни ташкил этиш бўйича ишлар ниҳоясига етмоқда.

Давлат уй-жойга ҳақ тўлашга кетган харажатларнинг бир қисмини, энг аввало, коммунал хизмат учун қисман ҳақ тўлашга кетган харажатни қоплаш борасида ҳам маълум даражада ёрдам кўрсатмоқда. Биринчи ярим йилликда бу мақсадлар учун 653 миллион сўм сарфланди.

Иккинчидан. Бюджет ташкилотлари ходимларига маошларини, пенсия ва нафақаларини ўз вақтида тўлаш таъминланмоқда. Бу ҳаётимиздаги одатий ҳол бўлиб қолди. Айни пайтда собиқ иттифоқнинг жуда кўп мамлакатларида бу нарса энг кескин ижтимоий муаммо бўлиб турибди.

Кейинги пайтларда собиқ совет ҳудудидаги айрим давлатларнинг оммавий ахборот воситалари кўп ойлар давомида иш ҳақи олмаган ўқитувчилар, врачлар, ҳарбий хизматчилар ва бюджет ташкилотларининг бошқа ходимларига маош, пенсионерларга нафақа беришни таъминлаш бўйича қилинаётган хатти-ҳаракатларни катта ютуқ сифатида тақдим этмоқда.

Бу коммунистик режим давридаги «эски анъаналар»ни эслатади; ўзимиз муаммо тугдирамиз-да, сўнгра уни ўзимиз қаҳрамонона ҳал этамиз.

Афсуски, ҳеч ким бу ҳол ўша мамлакатларда ислоҳотлар стратегияси ва биринчи навбатда уларни амалга ошириш йўлини танлашда йўл қўйилган хатолар натижаси эканини тан олмайди.

Биз бундан зарур сабоқ чиқариб олишимиз лозим. Энг аввало, ислоҳотларнинг мақсади ва амалга оширилишини янада чуқурроқ, танқидий назар билан таҳлил этиш даркор. Бу жараённи баҳолашда, ислоҳотларни амалга оширишнинг энг маъқул йўлларини қидиришда хато қилмаслик керак. Айрим муаммоларнинг ечими оғир, таназзул ҳолатига тушиб қолишини кутиб ўтирмаслик зарур.

Учинчидан. Ижтимоий соҳани, айниқса, қишлоқ жойларида ижтимоий соҳани ривожлантириш борасида сезиларли ишлар амалга оширилди. Бу мақсадда 38,4 миллиард сўм капитал маблағ ёки умумий капитал маблағлар ҳажмининг 39 фоизи ўзлаштирилди.

3 миллион квадрат метрга яқин уй-жой, шундан 2,8 миллиони қишлоқ жойларида фойдаланишга топширилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан деярли 1,5 баравар кўпдир.

Бир навбатда 4 минг беморга хизмат кўрсатувчи поликлиникалар, 13,6 минг ўқувчига мўлжалланган умумтаълим мактаблари қурилди. Ҳисобот даврида 2,1 минг янги маиший хизмат объекти очилиб, хизматнинг 18 та тури ўзлаштирилди. Аҳоли пунктларини газлаштириш ва сув билан таъминлаш дастурларига мувофиқ, 2,3 минг километр газ, 633 километр сув узатиш тармоқлари фойдаланишга топширилди. Бу 1996 йилнинг биринчи ярмидагига қараганда анча кўпдир.

Республикамизнинг деярли барча ҳудудларида шаҳарлар, туман марказлари, қишлоқлар қиёфаси ўзгарди ва ободонлашди.

Тошкент шаҳрида қўлланган «Тошуйжойжамғармабанк» сертификатлари бўйича уй-жой қуриш тажрибаси яхши самара берди.

Қисқа вақт мобайнида 4 мингдан зиёд шаҳар аҳолисига банкда жамғарма ҳисобварақлари очилди. Давлат бюджет маблағлари ҳисобидан уй-жой қийматининг 50 фоизини қоплаш йўли билан 500 га яқин шинам квартира қурилиб, сотилди.

Ҳозирги кунда 1,5 мингга яқин ана шундай квартира қурилиши давом этмоқда. Бу қурилишлар қийматининг етишмаётган қисмини қоплаш учун банк томонидан тўлов муддати 10 йилга узайтирилган ҳолда имтиёзли кредитлар берилмоқда.

Уй-жой сотиб олишнинг бундай шаклига аҳоли катта қизиқиш билан қарамоқда. Буни инобатга олиб, мазкур тажрибани барча вилоят марказлари ва вилоятга бўйсунувчи шаҳарларга ёйиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Шу мақсадда барча вилоят марказларида ўз ҳудудий бўлимларига эга бўлган Ўзбекистон уй-жой жамғарма банки ташкил этилди.

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ҳокимликлари бу бўлимлар фаолиятини зудлик билан йўлга қўйиши керак. Банк сертификатлари бўйича қурилиадиган уйлар учун ўз вақтида ер майдонлари ажратилишини таъминлаш, тегишли муҳандислик коммуникациялари барпо этишда ҳар томонлама ёрдам беришлари зарур.

Тўртинчидан. Республикада инсон ҳуқуқ ва эркинликларини муҳофаза

(Давоми 2-бетда).

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

1997 йилнинг 1 августидан бошлаб Узбекистон Республикаси Марказий банки қиймати 1, 5, 10 сўмга тенг бўлган янги тангаларни муомалага чиқаради.

Узбекистон Республикаси Марказий банки тангалари никель билан (оқ рангдаги) қопланган пўлатдан тайёрланган.

Барча номиналдаги тангаларнинг олд томони (аверси) марказида уларнинг қиймати рақамлар билан ифодаланган, пастда бир хил ўлчамдаги босма харфлар билан «СУМ» деб ёзилган, унинг остида танга чиқарилган йилни билдирувчи «1997» рақамлари жойлаштирилган. Тангаларнинг ўнг ва чап томонларида, уларнинг четлари бўйлаб чиқарилган йилдан, то қийматини билдирувчи рақамларнинг ўртасигача битта пахта барги ва тўрт маротаба такрорланувчи пахта чаноқларидан иборат нақш жойлаштирилган.

Тангаларнинг орқа томони (реверси)да Узбекистон Республикасининг Герби тасвирланган булиб, унинг атрофида тангаларнинг ташқи чети бўйлаб юқори қисмида бир хил ўлчамдаги 12 та юлдузча ўйилган ва доиранинг пастки қисмида бир хил ўлчамдаги босма харфлар билан «УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ» матни ўйиб ёзилган.

Танганинг олд ва орқа томони четки ташқи айланаси бўйлаб танга айланасини такрорловчи бўртма нуқталар жойлаштирилган.

Танганинг ён томони (гурти) тасвирсиз, силлиқ ишланган.

Қиймати 1 сўмга тенг бўлган танганинг диаметри — 19,80 мм.,

қалинлиги — 1,3 мм., оғирлиги — 2,72 гр.ни ташкил этади.

Қиймати 5 сўмга тенг бўлган танганинг диаметри — 22,20 мм.,

қалинлиги — 1,6 мм., оғирлиги — 4,00 гр.ни ташкил этади.

Қиймати 10 сўмга тенг бўлган танганинг диаметри - 24,10 мм.,

қалинлиги — 1,6 мм., оғирлиги — 4,75 гр.ни ташкил этади.

Муомалада бўлган пул белгилари ва тангалар билан бир қаторда Узбекистон Республикаси Марказий банкининг муомалага чиқарилаётган қиймати 1. 5, 10 сўмга тенг бўлган тангалари мулкчилик шакли ва фаолият соҳасидан қатъи назар ҳамма корхоналар, ташкилотлар ва муассасалар томонидан тўловларнинг барча турлари учун, шунингдек, банк муассасалари томонидан ҳисобрақамларга, қўйилмаларга, аккредитивларга киритиш учун ҳамда алоқа корхоналари томонидан ўтказмаларни амалга ошириш учун танганинг ёзиб қўйилган қиймати бўйича ҳеч қандай чекловларсиз қабул қилиниши шарт.

АСОСИЙ МАҚСАД – ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШГА ЭРИШИШДИР

(Давоми. Боши 1-бетда).

қилишнинг ҳуқуқий ва институционал асослари шаклланди. Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий Мажлис вакили тўғрисидаги Қонун қабул қилинди. Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказ ташкил топди. Олий Мажлис қошида Амалдаги қонунлар мониторинги институти фаолият кўрсатмоқда.

Бугунги кунда Жамоатчилик фикрини ўрганиш маркази ташкил этилаётир.

Ўзбекистонда ўтказилган инсон ҳуқуқлари ҳимоясининг қонуний асосларига бағишланган илмий-амалий конференция ва «Ўзбекистонда Омбудсман институти: тажриба ва муаммолар» мавзуидаги «Давра суҳбати» халқаро миқёсда катта қизиқиш уйғотди.

Хорижий олимлар, мутахассислар, ҳуқуқ ҳимоячилари шу нарсага амин бўлдиларки, Ўзбекистонда инсон ҳуқуқлари нафақат конституцион жиҳатдан пухта ҳимоя қилинган, балки у давлат ҳокимияти ва қонуннинг бор қудрати билан ҳақиқий равишда кафолатланмоқда.

Кейинги вақтларда фуқароларни ҳуқуқий тарбиялаш борасидаги ишлар сезиларли даражада фаоллашди. Кўплаб олий ўқув юртларининг ўқув дастурларига инсон ҳуқуқлари бўйича махсус курслар киритилди.

Юристлар малакасини ошириш маркази, шунингдек, Тошкент юридик институти қошида жойларда филиалларига эга бўлган Ҳуқуқий тарғибот маърифат маркази ташкил этилди.

Эндиги вазифа ана шу ташкил этилган марказлар ўзларига юклатилган вазифаларни тўла равишда амалга оширишларидан иборатдир.

Бешинчидан. Миллий анъаналар ва маънавиятни тиклаш, инсоннинг маданий-маънавий ва интеллектуал манфаатларини рўёбга чиқаришга катта аҳамият бермоқ лозим.

Июнь ойида ЮНЕСКОнинг Париждаги бош қароргоҳида қадимий шаҳарларимиз, гўзал Бухоро ва Хиванинг 2500 йиллигига бағишлаб ўтказилган тантаналар халқаро жамоатчиликда катта қизиқиш уйғотди.

Тошкент халқаро кинофестивали катта маданий воқеа сифатида кўп мамлакатлар киночиларининг эътиборига сазовор бўлди. Уларнинг кўпчилиги бу анжуманда қатнашди.

Миллий тасвирий ва амалий санъатни тиклаш ва янада ривожлантириш, кишиларнинг тасвирий санъат, халқ ижодиёти хазиналаридан баҳраманд бўлишига шароит яратиш мақсадида Бадиий академия ташкил этилди. Мамлакатимизнинг театр-маданий ҳаёти анча бой ва қизиқарли бўлиб қолди. Кўплаб театрларнинг репертуари тубдан янгиланди.

Етакчи театрлар саҳналарида мамлакатимиз тарихини ва бугунги ҳаётини акс эттирувчи кўплаб спектакллар премьераси муваффақият билан ўтди. Халқ ижодиёти, миллий хореографияни қайта тиклашга ҳам катта эътибор берилмоқда.

Қисқача айтганда, инсон ҳуқуқларини таъминлаш бўйича дастурда белгиланган тадбирлар, бу дастурнинг асосий қоидалари амалга оширилмоқда, деб хулоса қилишга ҳамма асослар бор.

Айни вақтда инсон манфаатлари йўлида белгиланган барча тадбирлар сўзсиз амалга оширилишини таъминлаш учун ҳамма чораларни кўришимиз, бу борада қаерда оқсоқликка йўл қўйилаётган бўлса, уни зудлик билан бартараф этишимиз лозим.

Бу, аввало, ижтимоий инфраструктурани ривожлантириш бўйича тузилган дастурларга тегишлидир. Йиллик дастурда белгиланган ўқувчи ўринларини ташкил этиш бўйича топшириқ атиги 18 фоизга, қишлоқ врачлик пунктлари тармоғини ривожлантириш бўйича эса учдан бирига бажарилган.

Касалхоналарнинг қурилиши ва техник жиҳатдан жиҳозланиши ҳам чўзилмоқда.

Қишлоқ жойларида сув узатиш тармоқларини қуриш масаласига алоҳида эътибор бермоқ лозим. Бу борада биринчи ярим йилликда бутун йилга мўлжалланган иш ҳажмининг атиги 30 фоизи бажарилган, холос.

Ижтимоий аҳамиятга молик иншоотларни топширишни йил охирига суришдек ёмон иллат ҳамон давом этмоқда.

Дастурда Туямўйин-Урганч, Туямўйин-Нукус, Дамхўжа, Крестянск, Зарафшон-Жиззах, Амударё-Зарафшон худудлараро сув тармоқлари қурилишини тезлаштириш кўзда тутилган эди. Амалда эса, биринчи ярим йилликда Навоий-Бухоро сув узатиш тармоғининг бор-йўғи 10 километри фойдаланишга топширилган, холос.

Амударё-Зарафшон сув узатиш иншооти қурилиши учун ажратилган капитал маблағларни ўзлаштириш 1- ва 2-шохобчалар бўйича атиги 30 фоизни, 3-шохобча бўйича эса бор-йўғи 14 фоизни ташкил этган.

Вазирлар Маҳкамаси, шахсан Бош вазирнинг биринчи ўринбосари Жўрабеков, Бош вазир ўринбосарлари Юнусов, Муҳитдинов, Азизхўжаев ҳокимликлар ва Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши билан биргаликда қисқа муддатларда ижтимоий масалаларнинг мазкур мажмуида юз берган вазиятни танқидий баҳолаб, дастурда кўзда тутилган вазифаларни бажариш учун аниқ чора-тадбирларни белгилашлари, мазкур топшириқ ижроси ҳақида бир ой ичида Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беришлари зарур.

Муҳтарам дўстлар!

Иқтисодий ислоҳотларни изчил амалга ошира борганимиз туфайли, биз инсон манфаатларини таъминлаш Дастурининг муҳим вазифаларини бажаришга эришдик.

Ярим йилликни якунлаб, қилинган ишларга баҳо берарканмиз, биз яна бир бор, танлаган йўлимиз тўғри, устувор мақсад ва вазифаларимиз аниқ, дейишга ҳақлимиз.

Хўш, уларни амалга ошириш борасида қандай муайян ишлар қилинди, биз кўзланган мақсад сари қай даражада олға силжидик?

БИРИНЧИ. **Бугунги кунда биз ўтган йили макроиқтисодий барқарорлик соҳасида эришилган ижобий натижаларни мустаҳкамлабгина қолмай, барқарор иқтисодий ўсиш учун шароит ҳам яратдик.** Бу нимада кўринади?

Биринчидан. Агар 1996 йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсишини 1,6 фоизга таъминлаган бўлсак, бу ярим йилликнинг ўзида у 3,9 фоизга ошди. Ялпи ички маҳсулот биринчи марта аҳоли сони кўпайишидан тезроқ ўсди, бу эса унинг аҳоли жон бошига қараб ишлаб чиқарилишини кўпайтириш имконини берди.

Иқтисодиётнинг деярли барча тармоқ ва соҳаларида иқтисодий ўсиш таъминланди: саноат ишлаб чиқариш ҳажми 5,4 фоизга, қишлоқ хўжалиги -- 22,8 фоизга, транспорт ва алоқа -- 1,8 фоизга, пудрат қурилиш ишлари -- 1 фоизга, чакана товар обороти -- 13,5 фоизга, аҳолига пуллик хизмат кўрсатиш 18,1 фоизга ошди.

Ютуқларимиз ҳақида гапирар эканмиз, мен, аввало, республикамизнинг ғаллакор деҳқонлари эришган муваффақиятларни алоҳида миннатдорлик билан қайд этишни истардим. Улар фидокорона меҳнати билан улкан хирмон кўтармоқдалар. Биз бу билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Иқтисодиётимизнинг 1997 йил биринчи ярмидаги ўсиш суръатлари ҳақида сўз борар экан, бир муҳим масалага алоҳида тўхталмоқчиман.

Бугунги кунда собиқ совет ҳудудидаги кўпгина давлатлар ўзларида кўзга ташланаётган барқарорлик ва ўсиш суръатларини катта мамнуният билан қайд этмоқдалар. Бироқ улар бу ўсиш қайси асосга таққосланиб олинаётгани тўғрисида гапиришни унчалик исташмайди.

Мустақилликка эришганимиздан кейин ўтган йилларда ялпи ички маҳсулотнинг камайиш суръатлари энг кам бўлган, саноат ишлаб чиқариш ҳажми бўйича эса 1990 йил даражасига нисбатан 1996 йилда ўсиш кўзга ташланган Ўзбекистон Ҳамдўстлик давлатлари орасида яккаю ягона мамлакатдир.

1996 йилги асосий даража 1991 йилга нисбатан 40 фоиздан ошмайдиган, айрим мамлакатларда эса 25 фоиздан ҳам ошмайдиган Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари ҳақида гап кетганида ўзгача аҳвол кўзга ташланади.

Кўриниб турибдики, ўтган йилги кескин тушиб кетган даражага нисбатан айрим жиндайгина ўсишни ҳам барқарорлик ва амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти деб баҳолаш мумкин экан.

Иккинчидан. Макроиқтисодий барқарорликни вужудга келтириш бўйича қўлланилган чора-тадбирлар инфляция даражасини 1996 йил декабридаги 13 фоиздан бу йил май ойида 2,9 фоизга, июнь ойида эса ҳатто минус даражасига-3,1 фоиз қадар кескин камайтириш имконини берди. Инфляциянинг ўртача ойлик даражаси ярим йилликда айрим халқаро молия ташкилотларининг ҳисоб-китоблари бўйича 7 фоиз кутилгани ҳолда, 3,5 фоизни ташкил этди.

Бироқ, шуни тан олиш керакки, инфляциянинг ҳозирги даражаси биз ҳисоб-китобларимизда кўзда тутганимиздан кўра бироз баланд. Шунинг учун ҳам иккинчи ярим йилликда инфляцияга қарши қатъий монетар сиёсат олиб боришга тўғри келади.

Учинчидан. Биринчи ярим йилликда кредит ва нақд пул эмиссиясининг ўсишига йўл қўймаслик бўйича ҳукумат қарорлари қабул қилиниб, амалга оширилди. Натижада нақд пул эмиссияси ҳажми биринчи ярим йилликда ҳисоб-китобларда кўзда тутилган 17,5 фоиз ўрнига 6,1 фоизни ташкил этди.

Иккинчи чоракда Тошкент шаҳрида, Андижон, Тошкент ва Фарғона вилоятларида пулни муомаладан олиб қўйишга эришилди.

Шу билан бирга, Навоий, Қашқадарё, Сурхондарё вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида эмиссия даражаси жуда баландлигича қолмоқда.

Пулни қайтариб оладиган асосий манба -- савдо соҳаси тўла хусусийлаштирилган. Лекин шунга қарамай, савдо фаолиятида ўзгариш жуда кам. Савдо ходимлари аввалгидай сунъий равишда яратилган тақчиллик ҳисобига пул ишлаб олиш ниятида қолмоқда. Минг афсуски, уларнинг аксарияти майда тижоратчи, тўғрироғи, олибсотарлик савиясидан юқорига кўтарилолмаяпти.

Бугунги кунда савдо тармоғи бозор иқтисодиётининг тамойилларини ифодаловчи соҳа сифатида ҳали ўзини кўрсата олгани йўқ. У талаб ва эҳтиёжни ўрганиш ва авваламбор, ўзимизда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотга қизиқишнинг ошишини таъминлай олмаяпти.

Бу соҳа ўз фаолиятини истеъмол молларини импорт бўйича харид қилишга йўналтиришни афзал кўрмоқда. «Ўзбексавдо» тизимидаги савдо ташкилотлари ўзининг импорт озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишдаги устун монополистик мавқеидан фойдаланиб, эски тизимнинг тақсимлаш усулини яна тиклаш ҳаракатига тушмоқда. Бу ҳолат дефицит деган эски балони бошимизга олиб келиб, нархнавонинг асоссиз ошиб кетишига имкон беради ва одамларнинг ҳақли норозилигига сабаб бўлади. Бундай аҳволга чидаб бўлмайди. Бу соҳага жавобгар ва бу соҳани кузатувчи мутасадди раҳбарлар жавобини берсин.

Давлат эҳтиёжларини қондириш учун озиқ-овқат ва бошқа маҳсулотларни танлов, тендер асосида харид қилишнинг самарали механизмини ишлаб чиқиш, ўз маҳсулотини етказиб берадиганларга кенг йўл очиш, воситачи даллоллар сонини қисқартириш зарур. Аввало, харидорларнинг қонуний манфаатларини ҳимоя қилиши лозим бўлган Монополияни тугатиш ва рақобатни ривожлантириш қўмитаси қаёққа қараяпти, деган савол туғилади.

Бу ишга масъул бўлган Султонов, Усмонов икки ҳафталик муддатда мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарор лойиҳасини тайёрлашлари керак.

ИККИНЧИ. **Биз 1997 ва ундан кейинги йилларда иқтисодиётда туб таркибий янгиланишларни амалга оширишни стратегик устувор йўналиш сифатида белгилаб олганмиз.**

Биринчи ярим йилликда бу йилга мўлжалланган инвестиция дастурини амалга ошириш бўйича анчагина ишлар қилинди. 100 миллиард сўмга яқин капитал маблағ ўзлаштирилди. Бу ўтган йилдагига қараганда 15 фоиз кўпдир. Хорижий сармояларни ўзлаштириш сезиларли даражада ошди. Унинг умумий улуши 15,2 миллиард сўмни ташкил этади.

Барча сармояларнинг 61 фоиздан ортиқроғи ишлаб чиқариш соҳасини ривожлантиришга сарфланди. Биринчи ярим йилликда «Кўкдумалоқ» конига хизмат қиладиган компрессор станцияси ишга туширилди, Бухоро нефтни қайта ишлаш заводининг биринчи навбати қурилиши ниҳоясига етмоқда.

Республика телекоммуникацион тармоқлари модернизация қилинмоқда. «ЎзДЭУавто» қўшма корхонаси учун бутловчи қисмлар ишлаб чиқарувчи маҳаллий саноат объектлари ташкил этилмоқда.

Тўқимачилик, тикувчилик, пойабзал ва консерва саноатида бир қанча қўшма корхоналар қурилмоқда. Транспорт ва йўл қурилиши, аҳоли манзилгоҳларини ободонлаштириш соҳасида ҳам улкан ишлар амалга оширилмоқда.

Бироқ соҳа янгиланишлари дастурини амалга ошириш йўлида бир қанча жиддий муаммолар мавжуд. Бу муаммоларни ҳал этишга алоҳида эътибор қаратилиши лозим.

Биринчидан. Моддий бойликларни ҳисобга олиш ёмон ташкил этилгани, кўпинча смета ҳужжатлари тасдиқланмасдан иш бошланиши, қурилишнинг қимматлашиб бориш омилларини белгилашнинг аниқ усули йўқлиги туфайли капитал маблағларни ортиқча сарфлаш ҳоллари юз бермоқда. Биргина бюджет қурилишлари бўйича капитал маблағларнинг ажратилган лимитлари қарийб 4 миллиард сўмдан ортиқ сарфланган.

Иккинчидан. Республиканинг пудратчи қурилиш ташкилотлари бозор муносабатларига жуда секинлик билан мослашмоқда. Ортиқча сарф-харажатлар шу қадар кўпки, улар пудратчи ташкилотларимизни ҳатто ички бозорда ҳам рақобатга бардош беролмайдиган қилиб қўймоқда. Йирик объектлар қурилишига ажратилган кўпгина тендерларни хорижий компаниялар ютиб кетмоқда.

Натижада биз қурилиш қувватларимизни тўла ишга сололмаяпмиз. Ўзимизнинг қўлимиздан келадиган ишларга ҳам четдан келган қурувчиларга катта-катта валюта маблағларини ажратишга мажбур бўляпмиз.

Учинчидан. Инвестиция дастурини амалга оширишда банкларнинг иштироки жуда заиф. Банкларнинг кредит улуши ўзлаштирилган инвестицияларнинг умумий ҳажмига нисбатан атиги 3,6 фоизни ташкил этди. Бу нафақат кичик ва ўрта корхоналарнинг, балки Қизилқум фосфорит комбинати, спирт заводлари ва республика учун муҳим аҳамиятга эга бўлган бошқа йирик объектларнинг ривожланишига ҳам тўсиқ бўлади.

Тўртинчидан. Бир қанча объектларда қувватларни ишга тушириш муддатларига риоя қилинмаяпти. Мисол учун, етарли маблағ ажратилмаган туфайли Транс-Осиё-Европа тола-оптика алоқа линияси биринчи босқичининг қурилиши тугалланмаган. «Ўзбекқўғоз» акционерлик жамиятида целлюлоза ва қоғоз ишлаб чиқаришни ташкил этиш бўйича таклифлар тайёрлаш чўзилмоқда. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин.

Макроэкономика ва статистика вазирлиги Молия вазирлиги, Архитектура ва қурилиш давлат қўмитаси билан биргаликда бир қанча объектлар қурилишининг қимматлашишига, капитал маблағларни ортиқча сарфлашга олиб келган сабабларни диққат билан ўрганиши керак. Ажратилган маблағлардан айни мақсад йўлида фойдаланишни таъминлаш бўйича таклифлар киритиши зарур.

Иккинчи ярим йилликка мўлжалланган инвестицион дастурни молиявий таъминотнинг аниқ манбаларини ҳисобга олган ҳолда янада аниқлаштириши даркор.

УЧИНЧИ. **Кичик ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш даражасини бутунлай янги босқичга кўтариш ҳам 1997 йилнинг устувор вазифаси қилиб белгиланган.**

Шу мақсадда Кичик ва хусусий тадбиркорликни рағбатлантирувчи республика кенгаши ташкил этилган. Хусусий ва кичик тадбиркорлик субъектлари, деҳқон (фермер) хўжаликларини рўйхатдан ўтказиш жараёни ўта соддалаштирилган. Хусусий банклар барпо этишни рағбатлантириш чора-тадбирлари ҳақида Фармон қабул қилинган. Шу соҳага алоқадор кўпгина тармоқларга давлат томонидан, авваламбор, солиқ масаласида қулай имтиёзлар берилган.

Қабул қилинган қарорлар янги кичик ва хусусий корхоналар ташкил этилишига ва хусусий тадбиркорлик ривожига кўмаклашди. Бу йилнинг ўзида қарийб 12 минг янги кичик бизнес корхонаси барпо этилди. Уларнинг умумий сони эса қарийб 111 мингга етди. Учта хусусий банк ташкил этилиб, фаолият кўрсатмоқда, бир қанча банклар эса рўйхатдан ўтиш арафасида турибди.

Нодавлат секторда банд кишилар улуши 74 фоизни ташкил этади. Тадбиркорлик фаолиятидан тушаётган даромад улуши ҳам ошмоқда. Тадқиқотлардан олинган маълумотларга қараганда, ҳозир ишбилармонликдан тушган даромад улуши аҳолининг барча даромадларининг 36 фоизини, шахсий хўжаликдан тушган даромад 15 фоизини, якка тартибдаги меҳнат фаолиятидан тушган даромад 7 фоиздан ортиқроқни ташкил этади.

Буларнинг барчаси кичик ва хусусий бизнеснинг мавқеи тобора ошиб бораётганидан далолат беради.

Бироқ биз кичик ва ўрта корхоналар ҳали ўзларига муносиб ўринни эгалламаганини тан олишимиз керак. Уларнинг оёққа туриши ва самарали фаолият кўрсатишига халақит берадиган жуда кўп тўсиқлар бор. Жойларда амалдорлар, мутасадди фаоллар томонидан бу муҳим, эртанги кунимизни ҳал қилувчи масалага эътибор ва масъулият йўқ. Кўп жойларда бюрократик ёндашиш, зўравонлик ва таъмагирлик ҳолатларидан ҳали-бери ажралганимиз йўқ. Тадбиркорларнинг бу масалада қонунни яхши билмаслиги ҳам панд бермоқда.

Республикада ҳали бизнес мактаблар, бизнес-инкубаторлар, юридик ва консалтинг фирмалар тармоғи кенг ривожланмаган. Ҳолбуки, улар ишни энди бошлаётган тадбиркорларга ёрдам бериши, уларнинг манфаатларини ишончли тарзда ҳимоя қилиши мумкин эди.

Кичик бизнесни ривожлантиришга турли халқаро молия ташкилотлари орқали 350 миллион АҚШ долларидан ортиқ хорижий сармоя жалб этилган эди. Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларда кичик ва ўрта корхоналарни ривожлантириш бўйича сармоя лойиҳаларини танлаб олувчи махсус ишчи комиссиялари тузилган эди. **Бироқ экспертизадан ўтиш ва кредит олиш жараёни жуда мураккаб ва узоқ вақт талаб қилади**. Орадан анчагина вақт ўтишига қарамай кўпчилик лойиҳалар ҳали ҳам ё танлаб олиш, ё комплекс экспертиза босқичида турибди.

Ҳукумат тадбиркорлик тузилмаларини ривожлантиришга қаратилган маблағларни, энг аввало, хорижий маблағларни фаол жалб этишга тўсиқ бўлаётган сабабларни батафсил таҳлил этиб, тегишли механизмлар ишлаб чиқиши зарур.

Яна бир жуда муҳим муаммо. Йил бошида мулкни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш дастури қабул қилинган эди.

Ҳисоботларга қараганда, бу дастур муваффақиятли бажарилмоқда. Бироқ, хусусийлаштириш жараёнида айнан нималар ўзгаряпти, деган савол туғилади.

Текширишлар шуни кўрсатдики, ўзгаришлар унчалик кўп эмас. Бошқарувнинг ўша эски маъмурий-буйруқбозлик усули ҳамон сақланиб қолмоқда. Иқтисодий усул ва рағбатлантиришлардан жуда заиф фойдаланилмоқда. Акционерлар бошқаруви тизими амалда ишламаяпти. Кўп ҳолларда уларнинг вазифасини корхоналар раҳбарлари ўзлаштириб олган.

Шунга қарамай, корхоналар ходимлари ва раҳбарларида эгалик ҳиссининг етишмаслиги бош муаммо бўлиб қолмоқда. Айниқса, қишлоқ хўжалиги ва у билан боғлиқ бўлган қайта ишлаш тармоқларида бу масалалар қониқарсиз ҳал этилмоқда.

Қишлоқ хўжалигида ислоҳотларни амалга ошириш масалалари яқин вақт ичида Вазирлар Маҳкамаси мажлисида алоҳида кўриб чиқилиши лозим. **Бу соҳада қабул қилинган қарорларнинг бажарилишини танқидий нуқтаи назардан баҳолаш лозим бўлади. Бунда биринчи навбатда қишлоқда хусусийлаштириш, яъни мулк шаклининг ўзгариши, пайчиликни жорий этиш, қишлоқ хўжалигида шартнома интизоми ва ўзаро ҳисоб-китоблар масалаларига жиддий эътибор бермоқ зарур. Вилоят ва туман ҳокимлари, Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳамда бошқа масъул ижрочилардан бу ҳақда қатъий сўраш фурсати етди.**

ТЎРТИНЧИ. **Кредит-молия тизими фаолиятининг барқарорлиги ва мустаҳкамлигини таъминлаш ҳам 1997 йилнинг устувор вазифаларидан бири сифатида белгиланган эди.**

Шунга мувофиқ, Солиқ кодекси, бюджетнинг даромад қисмини мустаҳкамлаш ва солиқ тушумини кўпайтириш бўйича тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилган ва қабул қилинган эди. Давлат солиқ ва давлат божхона хизмати тўғрисидаги қонун тайёрлаб қўйилди ва у Олий Мажлиснинг яқинда бўладиган сессияларидан бирида кўриб чиқилади.

Ана шу кўрилган чора-тадбирлар бюджетнинг даромад қисмини 103,8 фоизга, харажат қисмини эса 98 фоизга бажариш имконини берди. Асосан қисқа муддатли давлат облигацияларини жойлаштириш ҳисобига бюджет камомадининг каттагина қисми қопланди.

Халқ хўжалигида ҳисоб-китобларни такомиллаштириш, ўзаро ҳисоб-китоб механизмини жорий этиш бўйича тузилган республика ва ҳудудий комиссиялар фаолияти кучайгани боис, тўлов интизоми бирмунча мустаҳкамланди.

Лекин ўзаро ҳисоб-китоблар муаммоси ҳамон долзарблигича қолмоқда. Бу бир қанча ҳолатлар билан боғлиқдир.

Биринчидан. Бюджетга тўловлар бўйича тушум камомади юқорилигича қолмоқда. Вазият солиқ хизмати фаолиятининг мазмунини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Солиқларни яшириб қолганлик учун жазо муқаррарлиги тамойили қаерда қолди? Солиқ тўлаши шарт бўлганларнинг барчаси устидан назорат ўрнатилганми? Солиққа тортиладиган базанинг тўлиқ эканига кафолат борми?

Биз кўпинча майда солиқ тўловчилар ортидан қувамиз. Чунки бу ерда таъмагирлик қилиш имкони бор. Айни вақтда йирик солиқ тўловчиларнинг даромадни яшириши, солиқларни тўлиқ тўламаслиги каби иллатлардан кўз юмамиз.

Иккинчидан. Дебиторлик ва кредиторлик қарзлари масаласи ҳам ўткир муаммо бўлиб турибди. Шу йилнинг 1 июнигача бўлган дебиторлик қарзлари 129,9 миллиард сўмни ташкил этди. Шундан 33,9 миллиарди тўлов муддати ўтиб кетган қарзлардир. Кредиторлик қарзлари 169,8 миллиард, шундан муддати ўтиб кетгани -- 49,5 миллиард сўмдир.

Дебиторлик қарзларининг катта қисми Коммунал хизмат кўрсатиш вазирлиги, «Ўзқишлоқхўжаликтаъминоттаъмир», «Ўзкимёсаноат», «Ўзбекнефтгаз», «Ўзсаноатқурилишматериаллари», «Ўзсаноатхўжаликқурилиш» ҳиссасига тўғри келади.

Учинчидан. Корхоналар ва уларнинг раҳбарлари ўз айланма маблағларини сақлаш ва кўпайтириш масалалари билан жиддий шуғулланмаяпти. Ўзаро тўловлар амалга ошмаётганининг асосий сабаби айнан мана шундадир.

Йилнинг бошида етишмаётган айланма маблағлар ҳажми 68,6 миллиард сўмни ташкил этган эди. Шунинг бир қисмини тўлдириш мақсадида, биз бу йил 31,4 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратишга мажбур бўлдик.

Айни вақтда кўплаб корхоналарда тайёр маҳсулот қолдиғи нормативларига риоя қилинмаяпти. Тугалланмаган ишлаб чиқариш, ҳаддан зиёд ишлаб чиқариш заҳиралари тўплаш, ўзига хос бўлмаган ишларни бажариш кўплаб маблағларнинг бошқа ёққа оқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Дебиторлик қарздарини ундириб олишда масъулият ҳис этилмаяпти, қатъият кўрсатилмаяпти.

Тўртинчидан. Махсус тузилган ҳукумат комиссиялари, Иқтисодий ночор корхоналар иши бўйича қўмита, Хўжалик суди банкротга юз тутган корхоналарга нисбатан қатъиятсизлик қилмоқда.

Банкротга учраган корхоналарни тугатиш борасида қаттиққўллик билан иш олиб бориш лозим. Корхоналарни иқтисодий соғломлаштириш ва санациялаш дастурларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашнинг аниқ жадвалини тузиш лозим.

БЕШИНЧИ. **Биз республиканинг экспорт салоҳиятини кенгайтиришга жуда катта аҳамият бермоқдамиз.** Экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича республика кенгаши тузилган, хорижга маҳсулот экспорт қилиш билан шуғулланадиган корхоналар учун имтиёзлар тизими ишлаб чиқилган.

Шу йилнинг биринчи ярмида жами ташқи савдо обороти 13,8 фоизга кўпайганига қарамай, экспорт базасини кенгайтириш борасидаги ишларни қониқарли деб эътироф этишга асос йўқ.

Ярим йиллик экспорт ҳажми йиллик режанинг атиги 37 фоизини, шу жумладан, марказлаштирилмаган манбалар бўйича бор-йўғи 28,5 фоизини ташкил этди.

Мана шундай ҳолда ускуналар ва материалларни импорт қилиш, ташқи валюта кредитларига бўлган эҳтиёж ортиб бормоқда. Улар қайси валюта маблағлари ҳисобидан тўланиши ҳақида эса ҳеч ким бош қотирмаяпти. «Ўзкимёсаноат», «Ўзмашсаноат», «Ўзнефтгаз», «Ўзметкомбинат» корхоналари маҳсулотни экспорт қилиш бўйича белгиланган топшириқларни бажармаяпти. «Ўзбекбирлашув», «Ўзмевасабзавотузумсаноат», «Ўзқишлоқхўжаликмашхолдинг» ва бошқаларда экспорт бўйича топшириқни бажариш юзасидан ишлар деярли йўлга қўйилмаган. Бунинг ўрнига айнан шу идоралар хомашё, материал ва жиҳозларни кўплаб импорт қилмоқда.

Импорт тузилмасида 47 фоиздан ортиқ маблағ машина ва жиҳозларни, 14,5 фоиз маблағ кимё маҳсулотлари, пластмасса ва улардан ишланган маҳсулотларни харид қилишга сарфланмоқда.

Текширишлар шуни кўрсатдики, шу йилнинг 1 июлига қадар 6,9 миллиард сўмлик ускуна ўрнатилмаган. Шундан 6,2 миллиард сўмлиги хориждан келтирилган жиҳозлардир.

Ўрнатилмаган ускуналарни инвентаризациядан ўтказиш, валюта маблағларини совуришга йўл қўйган айбдор шахсларга нисбатан қаттиқ чоралар кўриш лозим.

Экспорт салоҳиятини ривожлантиришни рағбатлантириш республика кенгаши (Ў.Султонов) икки ҳафта муддат ичида йил охиригача экспорт бўйича келтириладиган маҳсулотлар ва импорт харажатлари ўртасидаги мутаносибликни таъминлаш бўйича таклиф киритиши зарур. Бу борадаги етишмовчиликка барҳам бериш керак.

Яна бир масала борки, у алоҳида таҳлилни тақозо этади. Биз хорижий инвестициялар иштирокида қўшма корхоналар тузиш ва уларни ривожлантиришга нечоғли аҳамият бераётганимиз яхши маълум. Биз ҳар бир корхона хорижий ҳамкорлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиши тарафдоримиз. Улар учун энг қулай шарт-шароит яратилган. Кенг имтиёзлар тизими жорий этилган, хорижий сармоядорларнинг манфаатларини мустаҳкам ҳимоя қилиш таъминланмоқда. Бу ишларнинг барчаси қўшма корхоналар рақобатбардошли бўлиши, жаҳон бозорига бевосита чиқа олиши, ўз маҳсулотини фаол равишда экспорт қила олиши учун амалга оширилмоқда.

Ўз-ўзидан шундай савол туғилади: қўшма корхоналар нима беряпти, **уларнинг улуши қандай? Бундай корхоналар ишлаб чиқарган маҳсулот ҳажми ярим йилликда 4,3 марта ортганига қарамай, уларнинг маҳсулот экспорт қилишдаги ҳиссаси атиги 6,9 фоизни ташкил этган, холос. Айни вақтда уларнинг импорт таркибидаги улуши қарийб 38 фоизга етган.**

Бошқача айтганда, уларнинг импорт бўйича олган маҳсулот ҳажми экспорт қилганидан анча ортиқдир. Бу борадаги фарқ ярим йилликда 747,2 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Бу экспортни рағбатлантириш республика кенгаши чуқур ўрганиб чиқиши лозим бўлган ғоят жиддий масаладир.

Биз бутун ташқи иқтисодий фаолиятимизни тубдан қайта кўриб чиқишимиз зарур. Экспортни кенгайтиришни рағбатлантирадиган таъсирчан механизмларни ишлаб чиқиш керак. Экспортга маҳсулот тайёрлаш дастурини бажариш борасидаги масъулиятни ошириш лозим. Экспорт салоҳиятини кучайтириш дастурини тайёрлаш ишларини тезроқ тугаллаш зарур.

Бугунги кунда божхона ишларининг такомиллашмагани сабабли, контрабанда товарлари кириб келишидан, божхона тўловлари кам тушаётганидан республика сезиларли даражада зарар кўрмоқда.

Божхона кодекси, Божхона тарифлари тўғрисидаги қонунни тайёрлаш ишларини жадаллаштириш зарур. Яқинда ташкил этилган Давлат божхона қўмитаси божхона сиёсатини амалга ошириш, божхона қонунчилигига риоя этишни назорат қилиш борасидаги ишларни кучайтириши керак.

Муҳтарам дўстлар!

Албатта, ярим йиллик якунлари ва кўзда тутилган дастурларнинг бажарилишини танқидий баҳолар эканмиз, бунга ўнлаб сабаблар топишимиз, иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича ишимиздаги камчилик ва алоҳида вазифаларнинг бажарилмаганлигини шу билан изоҳлашимиз мумкин.

Бу сабабларни бизнинг хоҳиш-иродамиз, масъулиятимиз ва интизомимиздан, бир сўз билан айтганда, имконият ва интилишларимиздан ташқари, объектив сабаблар деб кўрсатишимиз ҳам мумкин.

Лекин ҳамма нарса бизнинг тадбиркорлик, ташкилотчилик ва фаоллигимизга, малакамизга, билим ва қобилиятимизга боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак.

Кўплаб корхона ва тузилмаларимизда, биринчи навбатда бошқарувнинг юқори поғоналарида ишлаётганлар бозор иқтисодиётининг энг муҳим жиҳатлари -- менежмент ва маркетинг тўғрисида ҳамон тасаввурга эга бўлмаса нима қилиш керак?

Ислоҳотлар иқтисодиётнинг кўплаб бўғинлари, айниқса, ўрта ва қуйи бўғинларида юзаки амалга оширилаётган, шахсий мулк ва акциялаштириш йўлига кўплаб тўрачилик тўсиқлари қўйилаётган бўлса нима қилишимиз керак? Коррупция ва порахўрлик иллати ҳақида нима деса бўлади?

Ва, ниҳоят, энг муҳими -- кўплаб ўрта ва қуйи бўғин раҳбарларининг фикрлаш тафаккури жуда секинлик билан ўзгараётгани, улар онгига ишбилармонлик, бозор муносабатларига хос ёндашувлар қийинчилик билан кириб бораётгани сир эмас.

Боқимандалик кайфияти, эскича ишлаш истаги сақланиб қолаётган бўлса ёки улар юқоридан қаттиқ талаб қилингандагина иш моҳиятини эмас, балки фақат шаклини ўзгартираётган бўлса нима қилиш керак?

Аниқ айтишимиз мумкинки, деярли барча қийинчиликлар, муаммоларнинг сабаби ана шунда. Ислоҳотларнинг жойларда жадал кетмаётгани, олдимизга қўйилган вазифаларнинг тўла бажарилмаётганига ҳам сабаб шу.

Мана шунинг учун ҳам тараққиёт ва ислоҳотларнинг ҳозирги босқичида кадрлар билан ишлаш ўта муҳим, амалий аҳамият касб этади. Илгаригидаги сингари кадрларни шунчаки танлаб, жой-жойига қўйиш билан иш битмайди. **Аввало, одамларни, биринчи галда барча даражадаги бошқарув ва ишлаб чиқариш раҳбарларини ўқитиш, тарбиялаш керак.**

Умуман, мамлакатда иқтисодий соҳадаги ижобий ўзгаришлар ва ислоҳотларни амалга ошириш учун етарли даражада мустаҳкам қонуний асос мавжуд. Етарли даражада меъёрий асос ҳам яратилган. Улар кейинги пайтда мавжуд шарт-шароит, халқаро тажриба, Халқаро валюта жамғармаси ва Жаҳон банки, шунингдек, бошқа халқаро тузилмаларнинг талаблари асосида қайта кўриб чиқилди ҳамда аниқликлар киритилди. Бир сўз билан айтганда, мамлакатда шаклланган ҳуқуқий асос ҳозир амалда татбиқ қилина бошланди.

Шу билан бирга, катта ҳисоб билан олиб қараганда, ижрочилар муаммоси энг заиф муаммо бўлиб қолмоқда. **Иқтисодиётдаги аҳволни танқидий таҳлил этар эканмиз, талай соҳалар, хусусан, кичик бизнес билан боғлиқ барча муаммолар юксак малакали, касб сир-асрорларини пухта ўзлаштирган ташкилотчилар, раҳбарлар йўқлиги туфайли пайдо бўлаётганига қайта-қайта амин бўламиз.**

Бугунги кундаги бу масалада амалий тажрибамизга бир кўз ташлайлик. Иш кетмадими, дарров раҳб

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШ МАСАЛАЛАРИ ТЎҒРИСИДА

«Узбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасини ташкил қилиш тўғрисида» 1997 йил 8 июлдаги Фармонга мувофиқ, шунингдек, республика божхона органлари томонидан божхона ишларини ташкил этиш буйича улар зиммасига юкланган вазифаларнинг тезкорлик билан ва самарали бажарилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Узбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси марказий аппарати тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат божхона қўмитаси бошқармалари аппаратининг, ихтисослаштирилган божхона комплексларининг, божхона комплекслари ва постларининг намунавий тузилмаси тасдиқлансин.

2. Узбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси тизими ходимларининг (хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари) чекланган сони 3277 нафар, шу жумладан қўмита марказий аппарати ходимлари сони — 188 нафар этиб белгилансин.

Давлат божхона қўмитаси раисига тўрт нафар ўринбосарга, шу жумладан, бир нафар биринчи ўринбосарга ҳамда 9 кишидан иборат ҳайъатга эга бўлишга рухсат этилсин.

Давлат божхона қўмитаси раисига зарурат бўлганда қўмита марказий аппаратининг ҳамда тасарруфидаги божхона органларининг тасдиқланган тузилмаларига белгиланган чекланган ходимлар сони ва иш ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш ҳуқуқи берилсин.

3. Белгилаб қўйилсинки, Давлат божхона қўмитаси раиси Узбекистон Республикаси Президентининг Фармони билан, унинг ўринбосарлари ва Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар давлат божхона қўмитаси бошқармаларининг бошлиқлари, шунингдек, ихтисослаштирилган божхона комплекслари бошлиқлари давлат божхона қўмитаси раисининг тақдимномасига кўра Вазирлар Маҳкамаси қарори билан тайинланадилар.

4. Узбекистон Республикаси давлат божхона қўмитаси тўғрисидаги низом тасдиқлансин.

5. Белгиланснки, давлат божхона қўмитасини маблағ билан таъминлаш республика бюджети маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги республика бюджетини тузишда давлат божхона қўмитасини жорий таъминлаш ва унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун зарур мамблағларнинг ҳар йили ажратилишини назарда тутсин.

6. Узбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг тугатилган божхона бош бошқармаси бошлиқлар таркибининг мансабдор шахсларида улар эга бўлишган махсус ва шахсий унвонлар сақлаб қолинсин, уларнинг 1994 йил 18 январдан 1997 йил 8 июлгача божхона органларида ишлаган вақти ички ишлар ходимларига татбиқан узоқ вақт ишлаганлик учун устамалар, пенсия тайинлашда хизмат стажига қўшилсин.

Белгилаб қўйилсинки, божхона органлари мансабдор шахсларининг ва улар оила аъзоларининг пенсия таъминоти ички ишлар органларида хизматни утаган шахслар ҳамда уларнинг оила аъзолари учун амалдаги қонунчилик билан белгиланган шартларда ва нормалар буйича амалга оширилади.

7. Божхона органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш ва ижтимоий дастурларни бажариш мақсадида Узбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасида давлат солиқ қўмитаси божхона бош бошқармасининг моддий ёрдам ва божхона органларини ривожлантириш махсус жамғармаси негизида моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя қилиш, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармаси тузилсин.

Белгилансинки, кўрсатиб ўтилган махсус жамғарма божхона қоидаларини бузганлик учун мусодара қилинган предметларни сотишдан олинган суммaнинг 20 фоизи, божхона қонунчилигини бузганлик учун ундирилган жарималар суммасининг 15 фоизи, шунингдек, божхона йиғимлари ва хизматлар кўрсатганлик учун тўловлар тарзидаги режадан ташқари даромадлардан тушумларнинг 100 фоизи ҳисобига шаклланади.

Узбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Молия вазирлиги билан биргаликда моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя қилиш, божхона органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган харажатлар махсус жамғармасини ташкил этиш ҳамда ундан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низомни икки ҳафта муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқласин.

8. Узбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси:

Манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 1998-2000 йилларда божхона назоратини янада такомиллаштириш ва божхона органларининг моддий-техника базасини ривожлантириш дастурини ишлаб чиқсин ва 1997 йил 1 декабргача Вазирлар Маҳкамасига кўриб чиқиш учун киритсин:

Узбекистон Республикаси Молия вазирлиги Адлия вазирлиги билан биргаликда божхона органларида хизматни ўташ тўғрисидаги низомни икки ой муддатда ишлаб чиқсин ва тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин:

Узбекистон Республикаси Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар вазирлиги ва Марказий банки сўровларига кўра божхона статистикаси буйича ҳисобот маълумотларини тақдим этсин.

9. Узбекистон Республикаси Макроитиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Молия вазирлиги йиллик инвестиция дастурларини тузишда уларга давлат божхона қўмитаси объектларини қуриш, кенгайтириш ва реконструкция қилишни киритишни назарда тутсинлар.

10. Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Давлат божхона қўмитаси шахсий таркибига ва уларнинг оила аъзоларига тиббий хизмат кўрсатишнинг амалдаги тартибини сақлаб қолсин.

11. Божхона органлари учун кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, уларнинг касб савиясини ошириш буйича ишларни яхшилаш, шунингдек, божхона расмийлаштиришлари буйича мутахассисларни ўқитиш мақсадида Давлат солиқ қўмитаси Божхона бош бошқармасининг вилоятлараро ўқув маркази давлат божхона қўмитаси ходимларининг умумий сони доирасида штатдаги ходимлари сони (хизмат кўрсатувчи ва ёрдамчи ходимлардан ташқари) 20 нафар бўлган давлат божхона қўмитаси ўқув марказига айлантирилсин.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги давлат божхона қўмитаси ўқув марказини жойлаштириш масаласини икки ой муддатда ҳал қилсин.

12. Узбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Миллий хавфсизлик хизмати 1997 йилдан бошлаб Ички ишлар вазирлиги академияси ҳамда Миллий хавфсизлик хизмати институти базасида божхона органларининг тезкор-қидирув фаолиятни амалга оширувчи мансабдор шахсларини тайёрлаш ва қайта тайёрлаш буйича махсус курслар ташкил қилсинлар.

13. Узбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Узбекистон Республикаси давлат солиқ қўмитаси фаолиятини ташкил этиш масалалари тўғрисида» 1994 йил 4 мартдаги қарорининг божхона органлари фаолиятини ташкил этишга тааллуқли қисми ўз кучини йўқотган, деб ҳисоблансин.

14. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Узбекистон Республикасининг Бош вазири У. Султонов зиммасига юклансин.

Вазирлар Маҳкамасининг Раиси И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1997 йил 30 июль.

КОТИБЛАР ЎҚИШИ ЯКУНЛАНМОҚДА

Минтақавий семинарларда

Партиямиз Марказий Кенгаши Сиёсий ижроия қўмитасининг қарорига биноан, ўтказилаётган минтақавий семинар-кенгашлар ниҳоясига етай, деб қолди. Навбатдаги ўқиш, жорий йилнинг 29 июль куни Қарши шаҳрида бўлиб, унда Ўзбекистон ХДП Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятлари шаҳар ва туман кенгашларининг биринчи котиблари иштирок этдилар.

Семинарда Марказий Кенгаш биринчи котиби А. Жалолов «Мамлакатимизда амалга оширилаётган туб иқтисодий, сиёсий ва маънавий ислоҳотларни чуқурлаштиришда Ўзбекистон ХДП ташкилотларининг навбатдаги вазифалари ҳақида» маруза қилди. У семинар қатнашчилари эътиборини партия олдида турган долзарб масалалар, ҳал қилиниши зарур бўлган муаммоларга тортди, ислоҳотлар ва жамиятни демократиялаштириш жараёнлари, Инсон манфаатлари йилида қишлоқ инфратузилмаларини ривожлантиришга доир ҳукумат тадбирларини амалга оширишда ташкилотларимизнинг иштирокини фаоллаштириш лозимлигини таъкидлади. Республика Президенти И. А. Каримовнинг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китоби ғоялари, қоида ва хулосаларини партиядошларимиз, фуқаролар томонидан чуқур ўрганишни уюштириш ҳамда Ватанимиз мустақиллигининг олти йиллигини нишонлаш давомида уларни бутун аҳоли орасида кенг тарғиб қилишни ташкиллаштириш муҳим аҳамият касб этади, деди маърузачи. Марказий Кенгашнинг бу борадаги қарорини бажаришни таъминлаш партия барча маҳаллий кенгашларининг муҳим вазифасидир.

Маърузачи, шунингдек ХДП барча даражадаги тузилмаларини республика Президентининг шу йил 17 июль куни Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесининг навбатдан ташқари сессиясида сўзлаган нутқи, Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон Республикалари Давлатлараро кенгашининг навбатдаги йиғилиши (1997 йил 24 июль, Чўлпонота) ҳужжатлари мазмуни, моҳиятини ватандошларимизга ҳар томонлама тушунтириш ишига муносиб ҳисса қўшишга даъват этди.

Семинарда сўзга чиққан Ўзбекистон ХДП Қашқадарё вилоят кенгашининг биринчи котиби Ф. Омонов вилоят партия ташкилотларининг амалга оширилаётган маънавий ва демократик янгиланишда иштироки, Сурхондарё вилоят партия кенгашининг биринчи котиби Х. Эрматов «Маърифат» марказлари фаолиятини такомиллаштириш ва миллий маънавиятни шакллантириш соҳасида тўпланган тажриба, Қарши шаҳар кенгашининг биринчи котиби Р. Муртазоев шаҳар партия ташкилотларининг аҳоли истиқомат жойларида олиб бораётган ишлари, Қарши туман кенгаши биринчи котиби Ш. Амирқулов юқори партия органлари ҳамда ўз қарорлари ижросини таъминлашга доир фаолияти ҳақида гапирдилар. Шеробод тумани партия кенгашининг биринчи котиби А. Шаймонов депутатлар билан ишлаш тажрибаси, Денов туман партия кенгашининг биринчи котиби Ж. Иброҳимов ХДП ташкилотлари ва жамоат бирлашмаларининг ҳамкорлиги тўғрисида сўзладилар.

Партия ташкилотларининг етакчилари, республика мустақиллигининг олти йиллигига тайёргарлик, Марказий Кенгаш XVII пленуми қарорларини ижро этишнинг бориши ва бошқа кўплаб масалаларига ҳам тўхталдилар.

Икки вилоят шаҳар ва туман партия кенгашлари етакчилари Қарши тўқимачилик мажмуи («Каштекс»), Шаҳрисабз консерва ҳиссадорлик жамияти ва унинг қошида, Италиянинг «Мозини Комико» фирмаси билан ҳамкорликда, ташкил этилган томат пастасини қадоқлаш кичик корхонаси «Қашқадарё мармар» ҳиссадорлик жамиятида бўлиб, уларда ислоҳотларнинг бориши билан қизиқдилар, бошланғич партия ташкилотларининг ишлари билан танишдилар. ХДП янги аъзоларига партия билетларини топширишда қатнашдилар. Ушбу корхоналар жамоалари ўз маблағлари ҳисобига олиб келинган илғор хорижий техник ва технологияни жорий қилиб, рақобатбардош маҳсулот ишлаб чиқаришга, иқтисодий самарадорликни оширишга, ишчи ва хизматчиларнинг ижтимоий аҳволини яхшилашга интилмоқдалар.

Семинар иштирокчилари, шунингдек, Қарши, Шаҳрисабз шаҳарлари ва Китоб туманининг диққатга сазовор жойлари, тарихий обидалари билан танишиб, Шаҳрисабздаги Амир Темур ҳайкали пойига гулчамбарлар қўйдилар. Вилоятда миллий маънавиятимизни ривожлантириш, буюк аждодларимизнинг ажойиб маданий меросини тиклашга берилаётган жиддий эътибор уларда катта таассурот қолдирди.

Семинар кенгашда Қашқадарё вилояти ҳокими ўринбосари Т. Каримов сўзга чиқди. Унинг ишида Ўзбекистон ХДП МК котиби Ҳ. Авезов, вилоят ҳокими муовини Р. Раҳмонов, партиямиздан Олий Мажлисга сайланган бир гуруҳ депутатлар ва Марказий Кенгаш аъзолари қатнашдилар.

Ўзбекистон ХДП МК матбуот хизмати.

ОЛАМ КЎЗГУСИ

Конго Демократик Республикаси (КДР) ва Танзания ҳукумат раҳбарлари Танзаниядаги 90 минг нафар конголик қочқинни ўз ватанига қайтаришга келишиб олди. Айни пайтда КДР ҳукумати ўз фуқароларини қабул қилиб олиш учун зарур чора-тадбирларни кўрмоқда.

Маълумки, ўтган йили Конгонинг ҳозирги Президенти Лоран-Дезире Кабила бошчилигидаги қўзғолончилар билан аввалги президент Сесе Секо ҳукумати қўшинлари ўртасидаги тўқнашувлар натижасида конголик қочқинлар бошпана қидириб Танзанияга келган эди.

* * *

7 август куни Москвада Россия Президенти Борис Ельцин билан Туркманистон Президенти Сапармурод Ниёзов ўртасида учрашув бўлиб ўтади. Унда Каспий денгизининг мақоми ҳамда икки мамлакатнинг энергетика соҳасидаги ҳамкорлиги билан боғлиқ масалалар муҳокама қилинади.

* * *

Жазоирда террорчилик ҳаракатлари ҳамон давом этмоқда. Куни кеча мутаассиб диндорларнинг Работдан 35 километр узоқроқда жойлашган қишлоқлардан бирига қилган ҳужуми натижасида 50 га яқин киши ҳалок бўлди.

Матбуот хабарларига қараганда, 5 июль куни Жазоирда бўлиб ўтган парламент сайловидан кейин мутаассиб диндорлар томонидан ўлдирилганлар сони 550 га етган. Умуман, 1992 йили ҳукумат билан фундаменталистлар ўртасида бошланган кураш 60 мингдан ортиқ одамнинг ёстиғини қуритган.

БУ САФСАТА ЭМАС

14 миллион аҳоли яшайдиган Қоҳира кўчаларига ҳар куни 75 минг тонна ахлат чиқариб ташланар экан. Коммунал хизмат ходимлари бундай катта чиқиндини олиб чиқиб кетишга улгуролмас экан. Шаҳар раҳбарияти эндиликда чиқиндиларни олиб чиқиб кетишда ёрдам берган камбағал фуқароларга маълум миқдорда пул ёрдами беришга қарор қилди.

***

Кувайт Қизил ярим ой жамияти раҳбари Баржас ал-Баржаснинг маълум қилишича, Ироқ тажовузидан сўнг, мамлакат ҳудудида 5 миллиондан ортиқ мина қолиб кетган. Бу ҳол бугунгача 1700 кишининг ҳалок бўлиши ва минглаб одамларнинг жароҳатланишига сабаб бўлган. Ачинарлиси шундаки, қурбонларнинг аксариятини болалар ташкил қилади.

Айни пайтда мамлакатда миналарни топиш ва зарарсизлантириш ишлари олиб борилмоқда.

***

Буюк Британия ташқи ишлар вазири Робин Кўк расмий ташриф билан Босния ва Герцеговинага келди. Ўз ташрифи давомида Р. Кук БМТ ва ЕХҲТ ваколатхоналари раҳбарлари, халқаро барқарорлаштириш кучлари қўмондонлиги ҳамда Сербия Президенти Б. Плавшич билан учрашди. Учрашувларда Босния ва Герцеговинада Дейтон битимини амалга ошириш ҳамда қайта тиклаш ишлари учун жаҳон ҳамжамияти томонидан бу мамлакатга молиявий ёрдам кўрсатиш масалалари хусусида сўз борди.

Сиёсий шарҳловчи нигоҳи

ИККИ ТУЗУМ — БИТТА ДАВЛАТ

Гонконгнинг Хитой тасарруфига ўтганига бир ой бўлган бўлса-да, бу воқеа атрофидаги ҳар хил гап-сўзлар ҳамон тингани йўқ. Биринчидан, хитойликлар раҳнамоси Дэн Сяопин томонидан илгари сурилган «бир мамлакатда икки тизим» деган қоида даставвал Тайванга нисбатан қўлланилган эди. Ушбу қоиданинг Гонконгда қандай жорий этилиши Пекин сиёсатидаги бирламчи ўринлардан бирини эгалловчи Тайван муаммоси ҳал этилишида ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Иккинчидан, Гонконг Хитой Халқ Республикаси таркибига қай ривожланиш даражасида қўшилган бўлса, унга шу тарзда керак. У тилла тухум туғадиган товуққа ўхшайдики, унга шунга яраша муносабат қилиш лозим. Инглизлар тасарруфида эканида ҳам Гонконг Хитой учун дунё иқтисоди учун дарча вазифасини ўтар эди. Бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолса керак. Гонконг ўз валютасига эга. У ерда шаклланган бозор иқтисоди механизми, жумладан маълум валюта биржаси ўз ҳолича қолмоқда. Маҳаллий ва халқаро тижоратчилар Сянган (Гонконг) алоҳида мухтор туманининг келажагига шунчалик ишонч билдиришадики, Хитойга қўшилиш арафасида биржа операцияларининг ҳажми инглизлар даврида бирча кўрсаткичлардан ўсиб кетди. ХХР Марказий халқ банки маъмурияти шунга ишонтирадики, молия бозоридаги маҳаллий ва хорижий иштирокчилар билан баб-баробар рақобатлашар экан, Гонконгда ўзи учун ҳеч қандай алоҳида имтиёз талаб этмайди. Хитой юанининг конвертация қилинмслиги шароитида Гонконг доллари ХХР учун ажойиб топилмадир. Хитой кўп йиллардан буён муваффақиятсиз равишда уринаётган Бутунжаҳон савдо-сотиқ ташкилотига Гонгонг аллақачонлар аъзо бўлган.

Хитой байроғи остидаги капиталистик давлат бўлиб қолиши учун Гонконг маълум маънода ўзини Хитойдан иҳота қилиши керак. ХХР ҳукумати Гонконгга кўчиб кириши қаттиқ назорат остига олди. Акс ҳолда, у ерга кўплаб хитойликлар кўчиб кириши, ижтимоий-иқтисодий мувозанат бузилиши, оқибатда барча соҳаларда иқтисодий кўрсаттичлар паст даражага тушиб қолиши мумкин. Гонконгга якка тартибда кирмоқчи бўлганлар учун бир кунда 150 кишига рухсат бор. Бир кунда 20 дан ортиқ сайёҳатчилар гуруҳига оролга кириш учун ижозат берилади. Қолганлар навбат кутишлари керак. Шарҳловчиларнинг фикрича, шундай қаттиқ чегара назоратига қарамай, катта қитъада авж олган порахўрлик иллати Гонконг тижоратчиларига ҳам юқиши мумкин. Катта қитъа бу иллатга қарши қатъий курашаётган бўлса-да, ҳозирча уни тўла бартараф эта олгани йўқ.

Хитойга Гонконгнинг таъсири ҳақида Пекин мухолифати қаттиқ шов-шув кўтармоқда. Назаримизда, Гонконг Хитойга ўзининг илғор, ривожланган бозор иқтисоди билан, яъни ХХР таркибига қўшилиши билан таъсир ўтказади. Хитой иқтисодида бозор иқтисодиёти сари кучли оғиш сезилиши, Хитойга чет эл инвестицияси оқими кучайиши, Гонконгдан нусха олишга уринаётган эркин иқтисодий минтақаларнинг кўпайиши эҳтимоли мавжуд. Бир сўз билан айтганда, ХХРдаги социализм асослари жиддий синовлар ва имтиҳонлар олдида турибди.

Бундай эҳтимолларни Пекиндагилар ҳам жуда яхши билишади. Улар Дэн Сяопин белгилаб берган бош мақсад — замонавий, олий даражада ривожланган давлат қуришга қаттиқ ишонишади. Хитой ислоҳотларининг отаси дея ном қозонган Дэн Сяопин, мушукнинг ранги қандай бўлиши муҳим эмас, муҳими у сичқонларни тутсин, деганки, бу қоида Хитой ҳукумати томонидан энг тўғри йўл дея тан олинган. Хитойда марксча-ленинчамаоча мафкура ўрнига бозор иқтисоди механизми таъсирида янгича тузим, айтиш мумкинки, хитойча миллий тизим шаклланиб, такомиллашиб бормоқда.

Хитой америкалашишни ҳам, европалашишни ҳам истамайди. Ўз миллий йўлидан бориб, миллий маданият, миллий тафаккур заминида яна-да гуллаб яшнашни истайди. Бу ўринда гап хитойликларнинг миллий ўзлигини англаш ҳақида бормоқда. Гонконгнинг қайтиши, шубҳасиз, бу жараённи тезлаштиради. Тағин шу нарса шубҳасизки, Хитойда ҳам, Гонконгда ҳам одамлар ўз улуғлигини яна-да юксалтираётган давлатга дахлдор эканликларини ҳис қилмоқдалар.

С.АШУРОВ.

ЎЗБЕКИСТОНИМ, ЎЗИНГ УЛУҒСАН!

Юрган дарё, дейди халқимиз. Бугунги кунда ривожланган хорижий мамлакатлар билан барча жабҳаларда алоқаларимиз кенгайиб боряпти. Айниқса, хорижга борди-келди сафарларидан кўп нарса оляпмиз.

Яқинда Сурхондарё вилоятининг бир гуруҳ савдо ходимлари Германия ва Голландияда бўлиб қайтишди. Денов туманидаги «Парвоз» ҳиссадорлик бирлашмаси раиси, вилоят кенгашининг депутати Дамин Муродов мухбиримизга хориж сафари таассуротлари ҳақида сўзлаб берди.

Хориж ва биз

— Савдо соҳасида кўп йиллар меҳнат қилдим. Мен дунёнинг савдо маданияти юқори даражада ривожланган давлатларидан ҳисобланган Германия ва Голландияга боришни, очиғи, ҳеч ўйлаб ҳам кўрмаганман. Шундай имкон келди. Бу — истиқлол шарофатининг олий неъматларидан бири, деб биламан.

Тошкент аэропортида ҳайбатли «Боинг» ҳаво лайнерида утирган кезларимда дастлаб мана шу фикрлар кунглимдан ўтди. Узоқ йиллик савдо тажрибасига эга бўлсам-да, гапнинг рости хорижий савдо усули ҳақида аниқ тасаввурим йўқ эди-да. «Буржуйлар фақат ўз чўнтагини бойитади», деб ўйлардим. Ахир шундай сохта «тасаввур» онгимизга сингдирилган эди-да. Кейинги пайтларда «ҳақиқий дунё»ни била бошладик. Барибир таассуротим хиралигини сезиб юрардим. Шунданми, аввалига ҳар қадамдаги — у дуконми, кўчакўйдами, меҳмонхонадами ҳамма-ҳамма жойда ўзаро ҳурмат, меҳр-оқибатлиликдан бироз ҳайратда қолдим. Четдан келган одамга камчилигу, муваффақиятлар яққол бир кўришдаёқ аён бўлади-қолади. Биз Германиянинг Бонн, Франкфурт, Найн шаҳарларида ва Голландиянинг бир қанча диққатга сазовор жойларида бўлганимизда шу нарсага амин бўлдикки, хорижда ўзаро ҳурмат жуда кучли экан.

Дастлабки куниёқ мамлакатнинг энг нуфузли савдо тармоқларида бўлдик. Ҳақиқатан ҳам савдо тизими Германияда анча илгарилаб кетган. Ҳали бу борада ўлардан ўрганадиган жиҳатларимиз кўп экан. Айтайлик, Германиянинг барча шаҳарларида тизими яхши йўлга қўйилган. Уч-тўрт қаватли бинода харидорнинг талаб-эҳтиёжига қараб кийим-кечак тикилади. Ва шу ернинг ўзида сотилади. Айниқса, мавсумий кийимларнинг бозори яхши ташкил қилинган. Эски ёки чанг босган матоҳни учратмайсиз. Барча ишлар рисоладагидек. Касса аппарати йўқ дуконни учратмайсиз. Иш давомида бекор юрган ишчини, сигарета тутатиб утирган сотувчини кўрмайсиз. Ҳамма ўз иши билан банд. Савдо дуконидаги «ҳам тикиб», «ҳам сотиб» фойда кўриш услуби жуда маъқул тушди.

Яна бир эътиборли жиҳати, сабзавот ва мевалар уларга асосан бошқа мамлакатлардан келтириларкан. Лекин эндигина узилгандек, ҳавасингиз келади. Ҳаттоки дуконларда ҳам мевалар дид ва тартиб билан жойлаштирилган. Таъбингизга ёққанини харид қилаверасиз.

Голландияда эса алмашлаб экиш, деҳқончилик яхши ривожланган. Ғалла майдонларини кўздан кечирганимизда шу нарса маълум бўлдики, бир майдондаги ҳосил йиғиштириб олиниши билан ёнидаги майдонлардаги ғалла ҳам тайёр бўлади. Катта-катта далада битта техника хизмат қиляпти. Ер ҳайдалишидан бошлаб, ҳосил йиғиб олингунга қадар барча хизмат бир кишининг «бўйнида». Маоши ҳам шунга яраша.

...Саккиз кун давомида кўп нарсаларни кўрдик. Тажриба орттирдик. Хорижлик шериклардан ўрганадиганларимиз кўп экан. Имкони борича уларни мамлакатимизнинг савдо соҳасида татбиқ қилсак кунгилдагидек иш буларди. Юз марта эшитгандан, бир кўрган афзал, дейдилар. Шу қисқа сафар чоғида, назаримда, хорижни қайта кашф этдим. Ҳар биримиз ютуқларини бизда ҳам қўлласак, деган умид билан қайтдик. Тўғри, бу мамлакатларда савдони ташкил этишнинг бой тажрибаси тўпланган.

Мана, шу олти йил ичида мамлакатимизга келган ҳар бир хорижлик «Узбекистон — имконияти кенг мамлакат» дея эътироф этяпти. Гапнинг рости, «Бирни кўриб фикр қил, бирни кўриб шукр қил» деган гапнинг маъзини қайта «чаққан»дек бўлдим. Негаки, ўша немис ёки голландинг дукон пештахталаридаги мева-сабзавот «хорижий»да. Ахир жаннатмакон юртимиз мева-чеванинг кони-ку! Нега биз ўз имкониятларимиздан тўла фойдалана олмаяпмиз? Нега хориждагидек маҳсулотимизни чиройли қадоқлаб, харидорни жалб қилолмаяпмиз?

Хорижнинг гўзал тайёрланган шарбати-ю, пишлоғи, уммон оша келган хурмосини ружу қўйиб сотиб оламиз. Нима, ўзимизда хурмо йўқми? Нега ўзбекнинг тилими тил ёрар қовун-тарвузи, нашвати беҳиси шундай узоқ элларга етиб бормаяпти?

Хуллас, ҳолва деган билан оғиз чучимайди. Буларнинг барига эришсак бўлади. Фақат бироз тажриба, айниқса, савдо тизимида жаҳон стандарти талабларини ўзлаштирсак, бас. Узбекистоннинг бой имкониятидан фойдалана билсак, кифоя. Сафар чоғида шулар ҳақида ўйларканман, юрт соғинчи дилимни ўртаб турди. Барибир, ўзинг азиз, нақадар улуғсан, юртим!

Абдумалик ҲАЙДАРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Спорт

«НУРЧИ» — МУНОСИБ ТУҲФА

Бухоро вилояти электр тармоқлари корхонаси нурчилари энди сузиш мусобақаларига тайёргарлик кўриш учун шаҳардаги спорт мажмуига бориб юришмайди. Боиси, улар ўз спорт мажмуига эга бўлишди. Усти ёпиқ сузиш ҳавзасининг бўйи 25, эни 11,5 метр бўлиб, мармар ва кошинлар билан безалган. Бу ерда болалар учун алоҳида сузиш ҳавзаси ҳам бор. «Нурчи»нинг очилиш маросимида вилоят ҳокими ўринбосари Нуриддин Очилов сўзга чиқди.

ОЛИМПИЯ ЎЙИНЛАРИДА ҲАМ ҲАКАМЛИК ҚИЛАДИ

Халқаро сув спорти уюшмаси — ФИНА қарори билан юртдошимиз Григорий Бугаковга халқаро ҳакам мақоми берилди. Тошкентдаги республика болалар ва ўсмирлар олимпиада резерви мактабининг катта мураббийси энди 2000 йилгача Ватанимиз номидан турли нуфузли мусобақалар, ҳатто олимпиада ўйинларида ҳам ҳакамлик қилади. У яқинда Гетборг шаҳрида сузиш буйича ўтказилган жаҳон чемпионатида ҳакамлик қилиб, юқори баҳо олди.

БАДИИЙ ТАФАККУР МАЙДОНИ

«Жаҳон адабиёти» журналининг илк сони қўлимизда. Уни ўқиб чиқдик. Гўёки, турфа йўналиш ва шакл, турфа услуб ва мазмун, турфа тил ва сўз, турфа ватанлар ва халқлар бир маконга тўплангандек, гўё бир неча китоблар бир муқовага жамлангандек туюлди. Шарқ билан Ғарб, Жануб билан Шимол гўёки бир чорраҳада топишгандек, юзма юз келганини кўргандек бўлдик.

«Жаҳон адабиёти» журналининг пайдо бўлишини нуфуз жиҳатидан юртимизда нафақат катта, балки гигант корхона ишга тушганига қиёслаш мумкин. Бу корхона ақл ва тафаккур, дил ва руҳ учун озиқа бўладиган маҳсулот ишлаб чиқаради. «Юксак маънавиятга асосланмаган ҳар қандай тузум таназзулга маҳкумдир. Тараққиёт маънавият билан уйғунлашгандагина яратувчи кучга айланади. Ҳар қандай жамиятда ишлаб чиқарувчи ва истеъмол кучлари манфаати билан бир қаторда юксак маънавият устуворлик қилгандагина у фаровонликка эришади» сингари теран фикрлар билдирилади таҳририят номидан ёзилган дебочада. Зеро, «Жаҳон адабиёти» журналининг ташкил қилиниши ҳукуматимизнинг юксак маънавиятга асосланган жамият қуриш йўлидан оғишмай бораётганини яққол кўрсатади.

Журнал Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Жаҳон адабиёти» журналини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори билан очилади. Журнал саҳифаларида Чингиз Айтматов ва Мухтор Шохоновнинг «Қояда қолган кўз ёшлар» китобидан боблар ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилади. ХХ асрнинг буюк ёзувчиси Чингиз Айтматов билан таниқли қозоқ шоири, йирик жамоат арбоби Мухтор Шохоновнинг самимий суҳбатлари натижаси ўлароқ дунёга келган ушбу китоб инсониятга чексиз ишонч ва меҳр маҳсулидир. «Инсон умрининг моҳияти маънавий жасорат. Фоний дунёда инсонга бориб тақаладиган чигал муаммолар беҳисоб. Абадият фақат келажакми? Ёки ўтмиш ҳам, ушбу дамлар ҳам абадиятми?.. Муаллифлар ҳаётий масалалар тўғрисида нозик фикр юритадилар ва китобхонни ҳам фикрлашга ундайдилар» дея тавсифланади асар. Уни таниқли адиблар Набижон Боқий ва Ёқубжон Хўжамберди ўзбекчалаштирган.

Америкалик таниқли ёзувчи Артур Хейлининг «Оқшом хабарлари» асари ҳам ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотади. «Телеграф тили»га асосланган «Оқшом хабарлари» Америка журналистлари, матбуоти ҳақида. Асар руҳий таҳлилнинг аниқлиги ва чуқурлиги, баён қилиш усулининг соддалиги, ифоданинг теранлиги билан ажралиб туради. Роман бугунги кун Америка романчилиги ҳақида маълум бир тушунча бера олади, деб ўйлаймиз. Асарни ёш шоир, ёзувчи ва адабиётшунос Жаббор Эшонқул рус тилидан таржима қилган. Нобель мукофоти совриндори Альбер Камюнинг «Исёнкор одам» китобидан «Исён ва санъат» номли фалсафий — бадиий эссени таниқли адиб Назар Эшонқул таржима қилган. Мазкур эссе бадиий тафаккуримизни бойитиши ҳамда уни янги босқичга кўтаришига шубҳа йўқ.

Журнал ўзбек адабиёти тарғиботи билан шуғулланишни ҳам ўз вазифалари доирасидан четлаштирмайди. Бинобарин, Ўзбекистон халқ шоири Эркин Воҳидовнинг янги шеърлар туркуми, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Пиримқул Қодировнинг «Она лочин видоси» тарихий романи ҳам ўқувчиларга катта маънавий озуқа беради.

Булардан ташқари, бошқа бир қанча қизиқарли асарлар ҳам журнал саҳифаларидан ўрин олган. Ўйлаймизки, журнални ўқиган ҳар бир киши дунёни кезиб келгандек бўлади.

Содиқ СУЛТОН.

Янги журнал

ЖАҲОН АДАБИЁТИ

АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОИЙ-ПУБЛИЦИСТИК ЖУРНАЛ

1.1997

Бош муҳаррир Азим СУЮН

Таҳрир ҳайъати

Абдулла ОРИПОВ
Абдулҳафиз ЖАЛОЛОВ
Азиз НОСИРОВ
Одилжон ОЛИМЖОНОВ
Ислом ШОҒУЛОМОВ
Салим АШУРОВ (бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари)
Норбобо ШАКАРОВ (бош муҳаррир ўринбосари)
Виктор ЗВЕРЕВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Голос Узбекистана»)
Алимқул СУЛТОНОВ (масъул котиб — «Ўзбекистон овози»)

ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ
ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА

МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ

Vatanni sevmak iymondandur!

O'ZBEKISTON OVOZI

O'zbekiston Xalq demokratik partiyasi gazetasi

1997-yil 31-iyul, payshanba № 89 (22.173).

Gazeta 1918- yil 21-iyundan chiqa boshlagan

АРМОН

Турмуш сўқмоқларида

— Бу воқеага ўн йилча бўлиб қолди. Ўшанда мен илмгоҳда ўқитувчилик қилардим. Ўқишга қабул бошланганда менга бўлажак талабаларни имтиҳонларга тайёрлаш топшириғи берилди. Эсимда — институтнинг энг катта аудиториясига йигит-қизлар сиғмай кетарди. Ўқишга кириш орзусида ҳар бир ўтган-кетганга илтижо билан боқувчи болаларнинг маъюс, умидвор нигоҳини ҳали-ҳали унутолмайман. Абитуриентлар машғулотлар чоғида ҳар бир сўзимни диққат билан тинглашарди. Машғулотларни одатда савол-жавоб тарзида ўтказардим. Ёшлар орасида қишлоқдан келган Жавлонжон исмли йигит, бор эди. У машғулот билан кифояланиб қолмай, ҳатто танаффус чоғида ҳам мени турли-туман саволларга кўмиб ташларди. Жавлонжондаги илмга чанқоқлик менда унга нисбатан алоҳида меҳр уйғотганди. Унинг қиёфасида ўзимча институтимизнинг бўлажак талабасини, келгусида етишиб чиқадиган малакали мутахассисни тасаввур қилардим. Хуллас, машғулотлар давомида абитуриентлар орасида Жавлонжон сингари иқтидорли институт талабаси бўлишга муносиб ёшлар кўплигига ишонч ҳосил қилдим.

Шундай кунларнинг бирида институтимиз ўқитувчиларидан — Хуршидбекнинг туғилган кунини нишонлаш учун унинг уйига йиғилдик. Хуршидбекнинг шинам ҳовлисида нозне ъматлар билан мўл-кўл ясатилган дастурхон атрофида менга танишлардан кўра нотанишлар кўп эди. Хуршидбек институтимизнинг ўша йилги қабул комиссиясининг масъул котиби эди. Зиёфат асносида Хуршидбек шаънига айтилаётган ҳамду-саноллар, хушомадлар аслида худди шу «масъул котиб»лиги учун эканлиги билиниб турарди. Қалбакилик пардасига ўралган гап-сўзлардан толиқиб, ушбу ясама «зиёфат»ни тезроқ тарк этиш тараддудига тушдим. Бир илож қилиб Хуршидбекдан, меҳмонлардан жавоб олдим. Хуршидбек кўчада мен билан ҳайрлашаётиб: «Домлажон, бизга хизмат бўлса — тортинманг, ахир институтимизнинг энг кўп ишлаган, ҳурматли домлаларидансиз. Битта-яримта илтимос бўлса рўйхатга тиркаб қўяман», — дея маънодор тиржайди.

— Раҳмат, Хуршидбек баҳоли қудрат ректоратнинг топшириғини бажариб, абитуриентларни имтиҳонларга тайёрлаяпмиз. Улар орасида талабаликка муносиблари кўп. Ўшаларни адашмай, ҳолисона танлаб олсанглар бўлгани.

Хуршидбек мени йўл четига бошлаб тўхтатди-да, атрофга олазарак қараб овозини пасайтирди:

— Оббо, домлажон-ей, ҳеч соддалигингиз қолмади-қолмади-да. Наҳотки атрофда нималар бўлаётганини пайқамаётган бўлсангиз? Институтимизга талабаликка қабул қилинадиганлар рўйхатининг деярли тўқсон фоизи аллақачон аниқ. Уч-тўрт жой қолган холос. Сизни устозим сифатида ўзимга яқин тутиб, дилимни очгандим. Агар очиғини айтсам, сизнинг ўтказаётган машғулотларингиз шунчаки йўлига. Консультация бераётганларигизнинг орасида институтга кирадиганлар рўйхатидагиларнинг бирортаси ҳам йўқ...

Ширакайф Хуршидбекнинг сўнгги сўзларидан даҳшатга тушдим.

Уйга қандай қилиб етиб келганимни эслай олмайман. Тун бўйи мижжа қоқмай тўлғаниб чиқдим: «Ё тавба, бу қандай разолат? Наҳотки Хуршидбекнинг айтганлари рост бўлса? Машғулотда қатнашаётган болаларнинг тақдири нима бўлади?

Эртасига институтда Хуршидбек билан кўришганимизда у: «Домлажон, кечаги гапларнинг ҳаммаси шунчаки ҳазил эди. Сизни синамоқчийдим. Қойил, ҳали — ҳам, ўша-ўша букилмас ҳақиқатгўй устозим экансиз. Сиз билан фахрланаман» деб илжайиб қўйди.

Эҳ, ука, ҳақиқатан ҳам соддалигимча қолган эканман. Ўшанда Хуршидбекнинг сўзларини ҳазил деб лаққа ишонганим, ана шу «ҳазил»нинг тагига етиш учун қилган ҳаракатларим менга жуда қимматга тушди. Институт раҳбарияти, турли-туман юқори идоралар томонидан менга нисбатан сўнгсиз таъқиблар бошланди, қилдан қийиқ ахтаришди. Бошқалар билан баравар баҳо тўпласа-да, институтга қабул қилинмаган Жавлонни қўллаб-қувватлашни сўраб ректор қабулига илтимос билан киришим, ишни чалкаштириб юборди. Мени Жавлонжондан пора олганликда айблашиб, масалани партбюрога қўйишди. Ҳа, у ёғини айтишга ожизман, ука. Ўша пайтдаги бошимга тушган қора кунларни эсласам, ҳали ҳам юрагимда санчиқ пайдо бўлади. Хуллас, битта «инфаркт»ни ўтказганимдан кейин, оиламдагиларнинг, дўст — биродарларнинг маслаҳати билан «ўз аризамга мувофиқ» ишдан бўшадиму, қабоҳат сиртмоғидан аранг қутулдим...

— Отахон! Жавлонжоннинг тадқири нима бўлди?

— Минг афсуски, Жавлонжонни ўқишга қабул қилишмади. «Балки орага тушмаганимда Жавлонжон ўқишга кириб кетармиди, у ҳам менинг касофатимга қолди деган армон ҳали ҳануз мени қийнайди. Уни охирги марта шифохонада ётганимда кўргандим. Ўшанда мен билан хайрлашгани келган экан. «Келгуси йили қайтадан тайёрланиб яна келаман. Онам васият қилганларидек, албатта институтга бораман. Ҳозирча хайр, домла. Мени деб кўп заҳматлар чекдингиз, деб кўзида ёш билан хайрлашди. Шушу уни қайта кўрмадим.

Юсуф МУҚИМБОЕВ.

— Айланади чархи-кажроф, айланади ер-осмон,
Бошимизга сиз соғ бўлинг, омон бўлинг бувижон.
— Бу дунё гул, бу дунё йўл, йиғламагин бир бор кул —
Сенинг кулгинг белга мадор, кўзимга нур болажон.

ТАНАФФУС

— Воважон, сен кимни кўпроқ яхши кўрасан, отангними, онангними?

— Э, йўқ, бизнинг оиламизда сал бошқача, отам онамни яхши кўради, мен эса ўзимни ухлаганга солиб ётаман.

* * *

Шошилинчнома: «Онангни... Тафсилоти хатда».

* * *

Шаҳарда ҳарбий автоколонна бормоқда. Биринчи машина чироғини ёқиб-учириб сигнал беради. Ҳарбий огоҳлантирмоқда:

— 331 рақамли трамвай! Йўлнинг ўнг томонига ўтиб, колоннани ўтказиб юборинг!

* * *

Йигит ишга қули боғлиқ ҳолда келди. Ундан нима бўлгани ҳақида сўрашди.

— Кеча ичган эдим...

— Ичиб ёқалашдингми?

— Йўг-е, пишлоқни газак қилмоқчи бўлдим...

— Хўш, кейин-чи?

— Пишлоқ қопқонга қўйилган экан.

* * *

Икки қўшни хоним кўчада учрашиб қолишди. Уларнинг ёнидан сархуш эркак қўлида шиша билан гандираклаб ўтиб бормоқда. Хонимларнинг бири бошқасига дейди:

— Учарлар ишига пухта бўлади. Хотини уйда ароқ тайёрлайди. Эри эса реклама қилади.

YILOYKUN

Yangiliklar, voqealar, xabarlar

QISHLOQ QO`G`IRCHOQ TEATRI

ANDIJON. Asaka tumanidagi Qoratepa qishloq`i madaniyat uyida "Qaldirg`och" qo`g`irchoq teatri tashkil etildi. Bolakaylar bu teatr sahnasida ilk marta "Aldoqchi qarg`a" spektaklini tomosha qildilar. Mansurbek Jabborov, Dilmurod Shohnazarov, G`ofirjon Egamberdiyev, Mahfuzaxon Mamatq`ofurova va boshqalarning mahorat bilan ijro etgan rollari kichkintoy muxlislarni behad mamnun qildi. Teatr jamoasining bolalar bog`chasi va maktablarga "mehmon" bo`lishi ko`zda tutilmoqda.

Ahmadillo SOLIYEV.

YAKKABOG` BOZORI

QASHQADARYO. Yakkabog` qo`rg`onini obodonlashtirishga ahamiyat berilmoqda. Ko`plab inshootlar barpo etilmoqda. Ayniqsa 2 ming kv. metrli maydonda zamonaviy bozorning tiklanayotgani diqqatga sazovor. Xo`jaliklar va tomorqalarda yetishtirilgan mahsulotlarni sotish uchun barcha sharoitlar yaratiladi. 14 ta xususiy do`kon bo`ladi.

Yunus UZOQOV.

KORXONA BAYRAMI

NUKUS. Poligraf kombinati o`zining 75 yillik to`ini nishonladi. Bu korxonaga 1921 yili asos solingan. Dastlabki faoliyati To`rtko`l shahrida, bosmaxona tariqasida boshlangan. 1926 yildan "Erkin" va "Qoraqalpaqstan" gazetalari chiqa boshladi. Oradan besh yil o`tib viloyat matbuot qo`mitasi tashkil qilinishi poligrafiya asosini yanada yaxshilashga imkon berdi. 1953 yildan boshlab kitoblarni chop etishga mo`ljallangan texnika sozlandi. Poligraf kombinati 6 ta sexga ega bo`ldi. O`tgan yili bu sexda 37,3 million so`mlik mahsulot ishlab chiqarildi. Sof foyda 5,5 million so`mni tashkil etdi.

Reyimboy YESHIMBETOV.

Акционерное общество «УЗМЕТАЛЛТОРГ» предлагает:

	НАИМЕНОВАНИЕ ПРОДУКЦИИ	ЦЕНА ЗА 1тн В СУММАХ
1	Баллоны кислородные	9500
2	Уголок 140х140	56500
3	Уголок 160х160	53500
4	Рельсы Р-33	17931-06
5	Уголок 200х200	53500
6	Балка 30	56500
7	Накладки-подкладки	6468.90
8	Фитинги (угольники, крестовина, контрогайки, муфты, тройники)	договорная
9	Лента нихромовая	договорная
10	Заклепки стальные разных размеров	6897-00
11	Гвозди разных размеров	договорная
12	Шайба пружинная разных размеров	договорная
13	Сетка стальная просечно-вытяжная кв.м	183-00
14	Электродвигатели 4 ам-100шт	договорная
15	Канаты разные	договорная
16	Флянцы разные шт	договорная
17	Винты разные	договорная
18	Сетка рабица кв.м 25Х1.8	250-00
19	Флюс АОР-4А	206169
20	Ртуть	197378
21	Латунный порошок	110940
22	Сталинит	66893
23	Медный порошок	199692
24	Титановый прокат	436128
25	Сталь калиброванная	19083-60
26	Сталь конструкционная Ш-П	17663-16
27	Сталь инструментальная	28886-60
28	Сталь сортовая нержавеющая никелесодержащая	120042-00
29	Пер. Профиль 16 ст - 5	27327-03

Адрес: г. Ташкент, улица Уста Ширин, 135. АО «Узметаллторг». Телефоны: 48-47-66, 48-30-64, 48-07-05, 48-47-07, 48-50-31.

Чилонзор мавзесининг 24-даҳасида 5 қаватли ғиштли уйнинг 1-қаватида жойлашган 12 кв.м. ва 6 кв.м. ойнавандли айвонлардан иборат, телефони бор, темир эшиги ва ертўласи мавжуд 2 хонали

УЙ СОТИЛАДИ

Уйнинг икки томонида ер участкаси бўлиб, автомобиль йўлида жойлашмаган.

Қўйидаги телефонга мурожаат этинг: 72-39-43, кечқурун соат 19.00 дан кейин.

БЎЛИМЛАР:

Мафкура ишлари ва партия ҳаёти — 133-07-20, 136-33-40.
Парламент фаолияти ва ҳуқуқ — 133-11-49, 136-54-06.
Иқтисодиёт — 133-21-43, 136-57-22.
Фан ва маданият — 133-07-20, 136-33-40.
Ҳатлар ва оммавий ишлар — 133-76-04.
Ахборот ва спорт — 133-12-56, 136-55-16.
Халқаро ҳаёт — 133-20-36.
Саноат, қурилиш ва транспорт бўлими — 133-07-20.
Реклама ва эълонлар — 133-38-55, 133-47-80.
факс — 133-38-55, 133-54-55

ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ:

Андижонда — 24-16-48;
Бухорода — 23-80-06;
Гулистонда — 25-16-22;
Жиззахда — 3-31-86;
Навоийда — 3-39-20;
Наманганда — 6-43-43;
Нукусда — 7-58-83;
Каттақўрғонда — 5-33-46;
Тошкентда — 33-76-04;
Урганчда — 6-51-35;
Фарғонада — 24-54-61;
Қаршида — 3-25-79;
Қумқўрғонда — 5-26-24.

МАНЗИЛИМИЗ:

700000, ТОШКЕНТ, МАТБУОТЧИЛАР КЎЧАСИ, 32-УЙ.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси.

Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Навбатчи муҳаррир С. ЙЎЛДОШЕВА, навбатчи А. ОМОНБОЕВ.

Рўйхатдан ўтиш тартиби №00120

Газета офсет усулида А—2 форматида 33 824 нусхада босилди

Ҳажми 2 босма табоқ

«Ўзбекистон овози» материалларини кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.

Г — 0433

Босишга топшириш вақти — 21.00. Топширилди — 21.00.

1 2 3 4 5 6.

СОТУВДА ЭРКИН НАРХДА